



# MILLIY TIKLANISH

29 (142) 2011 йил 27 июль, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

### Етук кадрлар тайёрлаш


Ўқув-семинарда партия кадрлар захирасини ёш, ташаббускор, жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган етакчи ва малакали мутахассислар билан бойитиш, ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини замон талаблари асосида ҳамда партия устави ва дастуридан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш бўйича керакли маълумотлар берилди.

### Миллий ўйинлар

Мустақиллик йилларида миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз, хусусан, миллий ўйинларимизга бўлган эътибор янада кучайди. "Чиллак", "Оқ теракми, кўк терак?", "Бештош", "Кураш", "От устида кураш", "Елка кураши", "Арқон тортиш", "Бўрон", "Чавандоз", "Қувлашмақоч", "Беркинмақоч", "Тўп тепиш", "Ошиқ" каби миллий ўйинлар қайта тикланди ва оммалашди.

### Ёғочда унган гуллар

Франциялик санъатшунос "Ўрта Осиёда амалий санъат ривожланмаган", деган фикрни билдирибди. Шунда ўзбек ustalари ўзлари ясаган лавҳни унинг қўлига тутқазиб, "Қани, шунини очиб кўрингчи", дейишибди. Ўрта Осиё санъатини ўрганган санъатшунос ҳар қанча уринмасин, бунинг уддасидан чиқолмабди.



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ

### МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун меҳр-шафқат, саховат ва мурувват, қаноат ва шукроналик рамзи бўлган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, эл-юртимизга хос бўлган эзгу фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. 2011 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 1 август кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Нуруний", "Маҳалла" жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва урф-одатларимизга мос равишда ўтказиш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Мазкур тадбирларни ўтказишда муқаддас Рамазон ойи-

нинг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, яхшилик, маънавий поклик фазилатларини эъзозлаш, юртимизда дину диёнатиимизни тиклаш, виждон эркинлигини таъминлаш, азиз-авлиёларимиз, буюк алломаларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод қилиш борасидаги кенг қўламли ишларимизни тарғиб

этиш, азал-азалдан ушбу муборак ойда амалга ошириб келинадиган ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 26 июль

### КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

### ХУСУСИЙ МУЛК

УНГА ОИД ҲУҚУҚЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Ҳадемай мамлакатимиз ўз мустақил тараққиёт йўлини танлаганига йигирма йил тўлади. Эътиборлиси, тарих учун жуда қисқа бўлган даврда юртимизда барча соҳаларда эришилган ютуқлар дунё ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Жумладан, иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ кўпгина мамлакатларда таҳлил этилаётган ривожланишнинг "Ўзбек модели" ўзига хос жиҳатлари билан бошқалар учун ўрнак бўлмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасининг "Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш" йўналишида мазкур соҳадаги устувор ва вазифалар белгиланиб, қатор

вожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасининг "Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодий либераллаштиришни янада чуқурлаштириш" йўналишида мазкур соҳадаги устувор ва вазифалар белгиланиб, қатор

қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Концепцияда 2011-2014 йиллар давомида 11 та янги қонун ишлаб чиқиши ва мавзуд 12 та қонунга ўзгартишлар киритиш кўзда тутилмоқда. Улар янги ишлаб чиқиши зарур бўлган тадбиркорлик соҳасига тегишли 4 та қонун соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг асосий ғояси давлат томонидан хусусий мулкка бўлган кафолатларни белгилаш ва таъминлашдан иборатдир.

2-бет

### ФАКТЛАРГА ТАЯНИБ ИШ КЎРГАН АФЗАЛ

*Яқинда оммавий ахборот воситаларида БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) вакилининг баёноти эълон қилинди. Унда "Тожикистондаги алюминий заводи дарёнинг қуйи оқимида жойлашган ҳудудлар, айниқса, Ўзбекистон учун жиддий муаммолар туғдираётгани" қайд этилди. Бу Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудидо юзага келган вазиятга берилган ҳолисона баҳодир.*

Бироқ, ушбу баёнот "Тожикистон алюминий компанияси" давлат унитар корхонаси (ТАЛКО) вакилларига қаттиқ таъсир

қилган кўринади. "ТАЛКО" вакили Игорь Сатаров ЮНЕПнинг трансчегаравий ҳудудларнинг ифлосланаётгани борасидаги

ташвишига қўшилиши ва аниқ далилларга асосланиш ўрнига, очикчасига сиёсий сафсатаборликка берилиб, "Озодлик" радиосининг тожик хизматига шундай дейди: "Экология мавзусида сиёсий босим воситаси сифатида фойдаланиш амалиёти кенг тарқалган. Бу технология аввалдан, халқаро миқёсда айрим компанияларга ҳам, давлатларга ҳам қарши қўллаб келинади..."

4-бет



*"...Халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўйишимиз табиийдир. Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйл-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди".*

Ислам КАРИМОВ

### БАХТИ УЙҒОНГАН ХАЛҚ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ҒОЯСИНИНГ РЎЁБИ ҲАҚИДА



Ушбу халқчил фикрлар ҳар бир авлодга ота-оналарнинг қўл кўтариб, "омин" дейишдан олдин қилган азалий дуоларига бориб боғланади. Бу орзулар аждодлардан авлодларга ўтиб, армонга айланиб келаверарди. Фақат мустақиллик келиб, орзулар фазодан "ерга тушди". Реал, моддий воқеликка айланмоқда. Не бахтки, биз халқимизнинг "бахти ётган" йиллари тугаб, бугунги — "бахти уйғонган" даврида яшаймиз.

Фаровонлик ҳар бир одамнинг, халқнинг ўз олдига қўйган қатъий азму қароридан бошланади. Биров берган нарса бировни фаровон қилмаган. Шунинг учун Ўзбекистон халқини фаровон қилишни аввало энг муҳим нуқтада — одамларнинг ният, ғояларида уйғотиш, уларни бирлашти-

### ОЛТИНЧИ МАҚОЛА

дир. Фаровон оилалар, маҳалалар сони кундан кунга оша бораётир. Шукронаси бор одамлар тўй-томошаларда, маънавий-маърифий тадбирларда бунинг ўнлаб тасдиқларини айтиб юрибдилар. Бу кунларга етишмоқ осон бўлмаганини ҳам.

### НОНИ БУТУН ХАЛҚ

Этнолог олимларнинг фикрича, деҳқончилик дастлаб Ер шарининг тахминан 20-45 параллеллари оралиғида пайдо бўлган ва узок давр давомида ўзлаштирилиб, такомиллашиб келган.

5-бет

### АНЖУМАН

### "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ":

ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

Пойтахтимиздаги "Le Grande Plaza" меҳмонхонасида 25-30 август кунлари Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" VIII халқаро мусиқа фестивали олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошлаб, Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали катта эътибор билан ўтказиб келинмоқда. Мазкур ташаббус ЮНЕСКО ташкилоти, халқаро мусиқа кенгаши ҳамда анъанавий мусиқа бўйича халқаро қўмита томонидан қўллаб-қувватланган. Фестивалнинг асосий мақсади миллий мусиқа санъати дурдоналарини кенг тарғиб этиш, буюк мақом анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш ҳамда санъат соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, тиңчилик ва дўстлик ғояларини тараннум этишдан иборат. Фестиваль географияси кенгайганлиги ва қатнашчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётганлиги "Шарқ тароналари"нинг дунё миқёсида нуфузи юксалаётганидан далolat беради. Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, бу йилги фестивалда 62 давлат вакиллари қатнашиш истагини билдиришган. Шунингдек, матбуот анжуманида журналистлар фестивал билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш ҳам жавоб олишди.

Дилфуза РЎЗИЕВА,  
"Milliy tiklanish"  
муҳбири

## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ЎҚУВ-СЕМИНАР



## ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

БУГУНГИ КУН ТАЛАБИ

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар: Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси тизимида кадрлар билан ишлаш» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди. Унда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Марказий Кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши аъзолари, партиянинг туман ва шаҳар Кенгашлари Ижроия Кўмитаси раислари, уларнинг ташкилий-партиявий ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосарлари, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари шаҳар, туман Кенгашлари депутатлари иштирок этди.**

Ўқув-семинарда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Б.Нурбабллаев очар экан, партия фаолиятини янада такомиллаштириш, ходимларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини ошириш, партия сафига етуқ, билимли, салоҳиятли ёшларни жалб этиш орқали кадрлар захирасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Шундан сўнг ЎзМТДП фракцияси аъзоси, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Э.Юсупов Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чу-

қурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Президентимиз Ислам Каримов тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» да илгари сурилган гоё ва қонунчилик ташаббуслари мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг фаровон келажигини таъминлаш, юртимизни дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, Концепция партияимизнинг маҳаллий Кенгашлардаги кадрлар тизи-

ми сифатини янада такомиллаштириш, унинг дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш ҳамда ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда дастуриламал бўлиши лозим.

Нотиқ ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаолиятига баҳо берар экан, партиянинг энг асосий бўлини ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, ўтказилаётган тадбирлар сони ва сифатини янада ошириш, партияга янги аъзоларни жалб этиш, энг асосийси, партия кадрлар захирасини ёш ва малакали мутахассислар билан бойитиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ЎзМТДПнинг дастурий мақсадларини жамоатчиликка етказиш, унинг мафқураси ва миллий гоёсини кенг тарғиб этиш, аҳоли орасида етарлича нуфузга эга бўлишда партиянинг барча ҳудудий ташкилотлари, депутатлик гуруҳларидан ташаббускорлик ва фидоийлик талаб этилади. Шу боис, тадбирда иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Қ.Одиловнинг «Партия устави ва дастури талаблари асосида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг ташкилий-партиявий ва кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари», ЎзМТДПнинг Қонунчилик палатасидаги

фракцияси аъзоси Ж.Отажоновнинг «Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари» каби мавзусидаги маърузалари катта таассурот қолдирди.

**Нурмухаммед САПАЕВ, ЎзМТДП Хўжайли туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси:**

— Ўқув-семинарда партия кадрлар захирасини ёш, ташаббускор, жамият манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган етакчи ва малакали мутахассислар билан бойитиш зарурлиги бот-бот таъкидланди. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотлари фаолиятини замон талаблари асосида ҳамда партия устави ва дастуридан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштириш бўйича керакли маълумотларга эга бўлди. Бу эса келгуси фаолиятимизда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

**Мийўагул ЖОЛЫМБЕТОВА, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши «Ёшлар қаноти» фаол аъзоси:**

— Ўқув-семинар жараёнида сиёсий соҳадаги билимларимизни янада ошириш имконияти пайванд бўлганлигидан жуда ҳам мамнунмиз. Менда, айниқса, соҳа мутахассислари билан бевосита учрашиш катта таассурот қолдирди. Семинар востисада партия сафига фаолият юритиш учун чуқур сиёсий, ҳуқуқий билим ва малакага эга бўлиш, маънавий ва маърифий томондан етуқликка эришиш кераклигига амин бўлдим. Энг муҳими, бир аъзоларни жалб этиш, энг асосийси, партия кадрлар захирасини ёш ва малакали мутахассислар билан бойитиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ЎзМТДПнинг мақсад-вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, партия сафини ёш, билимли, ташаббускор аъзолар билан кенгайтириш бошланғич партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Бунда ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бевосита фуқаролар билан ҳамкорликни қучайтириш лозим бўлади. Шунингдек, сайловчилар билан мунтазам учрашувлар ташкил этиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни қонуний востисалар билан ҳал этишга кўмаклашиш, партия электоратининг қонуний манфаатларини ифода этувчи ижтимоий-сиёсий, социал ва бошқа масалалар бўйича материал ва таклифлар тайёрлаш ҳам

БПТнинг доимий вазифалари ҳисобланади.

ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги мустақил институти Самарқанд минтақавий бўлими билан ҳамкорликда «ЎзМТДП фаолиятини янада ривожлантиришда БПТларнинг ўрни ва роли» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Унда ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши аъзолари, партия туман ва шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси етакчи мутахассислари ва БПТ раислари ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этди.

Ийгилишни ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитасининг мафқуравий ва маънавий-маърифий масалалар бўйича раис ўринбосари А.Мамаюсов бошқарди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократик ислохотларни амалга ошириш сиёсий партиялар олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Шу боис, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш учун ҳар бир партия аъзосидан кучли ҳуқуқий билим ва етарлича тажриба талаб қилинади. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси жамиятда ўз нуфузини ошириш, кенг жамоатчилик орасига янада чуқурроқ кириш мақсадида барча ҳудудий ташкилотлар, хусусан, БПТлар фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқда.

— Юртбошимиз тақдим этган Концепция сиёсий партиялар зиммасига улкан вазифаларни қўймоқда, - деди ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девон раҳбари А.Умаров. — Мазкур жараёнда партиянинг барча тармоқлари, хусусан, БПТ фаолияти муҳим ўрин тутди. Шу боис бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, жамоатчилик билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш, ҳамкор ташкилот ва хайрихоҳлар билан ишлашда ёш, ташаббускор, етакчи кадрлар захирасига эга бўлиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бунинг учун эса иш самарадорлигини ошириш, ўтказилаётган тадбирлар сифати ва савиясини яхшилаш ҳамда партия вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари аъзолари ҳамда улар қошидаги БПТ раҳбарлари ўз фаолиятларини танқидий-таҳлил қилиб, янги лойиҳа ва ташаббуслар билан чиқишлари зарур.

**Эргаш ХўЖАЕВ, «Milliy tiklanish» мухбири**

**Бахтиёр ака ҳақида анчадан бўён билсам-да, ўзи билан бирор марта кўришиб, суҳбатлашмагандим.**  
**ЎзМТДП Бувайда туман Кенгаши раиси Рустам ака Эргашев билан суҳбатлашиб ўтиргандик эшик очилиб бир киши кириб келди.**

— Ассалому алайкум, Рустам ака, ҳорманглар. Эшингизни очик экан бир кўришиб ўтай, деб кирган эдим. Сизларга ҳалақат қилмадимми?

— Келинг, Бахтиёржон. Ўзи ҳозиргина сизни йўқлаб турган эдик. Бахтиёр Тешабоев шу киши бўладилар, - дея менга таништира кетди Рустам ака. — Партияимизнинг фидоийларидан бири, десак адашмаймиз. ЎзМТДПдан ҳам туман Кенгашига, ҳам вилоят Кенгашига депутат бўлиб сайланган. Қолаверса, вилоят Кенгашида ташкил этилган «Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш» доимий комиссияси аъзоси. Яқинда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Партияимиздан сайланган депутат сифатида вилоятда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат Дастурининг бажарилиши юзасидан маъруза қилди. Ўринли таклифлар, истиқболли режалар билан чиқди.

— Мамлакатимизнинг мустақиллиги, юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги биз учун катта бахт. Бундай шароитда, имкониятда

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

### ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

ишламай бўладими. Қолаверса, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати, раҳнамолиги ҳар бир ўзбекистонлик учун бебаҳо бойлик. Ана шу бойликни қадрига етишимиз керак, - деди куюниб Бахтиёр ака.

Бахтиёр Тешабоев кўп йиллар туман молия бўлими ва Давлат солиқ инспекциясида меҳнат қилди. 2008 йилдан Бувайда туман ҳокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси бошлиғи вазифасида ишламоқда. Иқтисодий, ҳисоб-китобни яхши билгани боис, тадбиркорликни кенг халқ оmmasи ўртасида тарғиб қилиш, илгор тажрибаларини оммалаштириш ишларида бошқоқ. Масалан, Бештерак ҚФЙ ҳудудидан «Нурафшон зиё текс» хусусий корхонаси ташкил этилишида катта ёрдам берди. Мажмуада 12 нафар ишчи ўрнига ҳозир 40 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Бу ерда Бахтиёр аканинг ташаббуси билан БПТ ташкил этилиб, ёшлар орасида партия дастури ва мақсадларини тарғиб қилиш ишлари олиб борилапти.

— Бундай эзгу мақсадларни амалга ошириш барчамизнинг бурчимиз ва вазифамиз, - дейди «Нурафшон зиё текс» хусусий корхонаси раҳбари Азимжон Абдуллаев. — Бахтиёр ака тадбиркорлик ишларимизни ривожлантиришда бизни қўллаб-қувватламоқда. Иш фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятида Япония давлатидан тўқув дастгоҳлари ва мато

бўяш технологиясини олиб келиб ўрнатяпмиз. Бу бизга яна 150 нафар янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирадиган 450 минг нафардан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу йил тумандаги педагогика коллежини 361 нафар ўғил-қиз битирди. Уларни иш билан таъминлаш, уч томонлама шартномаларни белгиланган тартибда имзолашга депутат сиёсатида катта ёрдам берди.

Бахтиёр ака ЎзМТДПдан сайланган депутат сифатида туман Кенгаши сессияларида аҳолини иш билан таъминлаш, тадбиркорликни, хунармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш бўйича ўз таклифлари билан чиққан. Бу борада тегишли қарорлар қабул қилинган. Жумладан, аҳоли бандлиги бўйича туманда жойлашган банкарлага сўров хати билан мурожаат этиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини тизлаш масаласини кўтарди. Бу ўз ўрнида қўшимча иш ўринлари яратишга имкон беради.

— Туманимизда хунармандчилик билан шуғулланувчилар кўпчиликини ташкил этади, - дей-



ди Б.Тешабоев. — Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги «Оилавий тадбиркорликнинг ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарор асосида қўллаб-қувватланаёпти. «Устоз-шоғирд» аънанаси асосида ишлар ташкил этилмоқда. Ҳозиргача 120 нафар хунарманд рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолият юритишида яқиндан кўмак бераёпмиз. Бу эса ички бозорларимизни арзон ва сифатли маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдирди, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш имконини беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасига алоҳида тўхталиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши бўлими, «Нуроний», «Хунарманд» жамғармалари билан ҳамкорликда

тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Айниқса, ёш тадбиркорларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш, кредит олишларига яқиндан ёрдам бераёпмиз. «Бувайда», «Бештерак», «Оқўрғон», «Кўнжирот», «Янгиқўрғон» ҚФЙ билан маҳалла фаолиятини ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари қўламини кенгайтириш ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш боисидан уларнинг маълумотлар ўтказиляпти. Энг асосийси, юқоридаги мақсад ва вазифаларни партияимиз электорати билан учрашув ва очик мулоқотларда ҳам тарғиб этиб бораёпмиз. Чунки, бугун маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу каби зарур вазифалар ЎзМТДП устави ва дастурида ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган.

Бугун юртимизда амалга ошириляётган ислохот ва янгилаштирилган жараёни бугун жамиятимиз ва саховатли заманимизда яшайётган ҳар бир инсоннинг бурчи ва вазифаси бўлмоғи керак.

**Эркин ЙўЛДОШ, «Milliy tiklanish» мухбири**

## 168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

### МАЪНАН ВА ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ ЁШЛАР

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲҚАМ ТАЯНЧЛАРИДИР

#### АНДИЖОН

Ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлиб улғайишлари, уларга яратилаётган имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан мунтазам турли тадбир, семинар-тренинг, давра суҳбати, кўрик-танлов, анжуман ва спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. ЎзМТДП Булоқбоши туман Кенгаши томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Сафимизда бўлинг!» шиори остида ўтказилган «Миллий тикланиш соврини учун» спорт мусобақаси ана шундай мақсадга қаратилди. Унда ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши девони ходимлари, «Ёшлар қаноти» фаоллари, ЎзМТДП Булоқбоши туман Кенгаши аъзолари иштирок этди.

Мусобақа катнашчилари спортнинг теннис, югуриш, шахмат-шашка йўналишлари бўйича ўзаро куч синашди.

Ғолибларга партия томонидан соврин ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

#### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎзМТДП Оққўрғон туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда туман Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб, «Биз учун ягона ва устувор мақсад — Ўзбекистон манфаати» мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси ходимлари, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, партия «Ёшлар қаноти» фаоллари ҳамда туман халқ таълими бўлими ходимлари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, аҳоли маънавиятини юксалтириш, ёшларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, замонавий билим ва хунар эгаллаш, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Шунингдек, иштирокчилар томонидан миллий гоёнинг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаёт ва бугунги тараққиётимиз талабларини эътиборга олган ҳолда янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий кадрият, урф-одат ва анъаналаримиз, бую тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда ёшларни фуқаролик жамиятини куриш, яратувчанлик ва ижодкорлик жараёнига сафарбар қилиш асосий мақсадимиз бўлиши лозимлиги эътироф этилди.

#### ФАРҒОНА

Миллий истиқлол гоёсининг асосий мақсадларидан бири озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Миллий ўзгиллигимизни англаш ҳамда миллий кадриятларни асраб-авайлаш Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий мақсад-вазифалари сирасига қиради. Зеро, мафқуравий иммунитетни шакллантиришда миллий кадрият, аъна ва урф-одатларимиз муҳим аҳамиятга эга.

ЎзМТДП Фарғона вилояти Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги мустақил институти Фарғона минтақавий бўлими ҳамкорлигида «Глобаллашув жараёнлари ва маънавий таҳдидлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ЎзМТДП Фарғона вилояти Кенгаши девони ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, партиянинг Қўштепа тумани Кенгаши аъзолари, «Аёллар қаноти» ва «Ёшлар қаноти» етакчилари ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари иштирок этди.

«Мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлашда миллий кадриятларнинг ўрни» мавзусида маъруза қилган ЎзМТДП Фарғона вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси А.Қамбаров, жумладан, шундай деди: — Фуқароларда ёт ва зарарли гоёларга қарши курашиш учун мафқуравий иммунитетни шакллантириш кишилар онгида бир хил гоёни эъри бериб тижштириш эмас, балки одамларда оқ-қорани ажратиш, зарарли гоёларга қарши хушёр ва огоҳ бўлиш хусусиятларини тарбиялаш демакдир.

Тадбирда иштирокчилар эътиборига ҳавола этилган «Глобаллашув шароитида «оммавий маданият»нинг ёшлар онги ва тарбиясида салбий таъсири» ҳамда «ОАВ ва ёшлар» каби мавзулардаги маърузалар ҳам катта таассурот қолдирди.

#### СИРДАРЁ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Сирдарё вилояти Кенгаши «Аёллар қаноти», ЎзМТДП Сайхунбод туман Кенгаши ва «Қамолот» ЕИҲ туман Кенгаши бўлими ҳамкорлигида қизлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка тури бўйича «Миллий тикланиш соврини учун» мусобақа ўтказилди. Унда ЎзМТДП вилоят ва туман Кенгаши аъзолари, «Қамолот» ЕИҲ туман Кенгаши бўлими, «Камалак» болалар ташкилоти вакиллари иштирок этди. Мусобақада 25 нафардан ортиқ қизлар ўзаро голиблик учун куч синашди. Зукколиги ва тиришқоқлиги билан дугоналарини ҳар жиҳатдан устун келган Ирода Нарзуқулова шохсупанинг юқори қисмидан ўрин олди.

Тадбир доирасида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан «Мустақиллик — меннинг нигоҳимда» расмлар танлови ҳамда «Биз ёшлар гиёҳвандликка қаршимиз» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Тадбир сўнида фаол иштирок этган катнашчиларга ЎзМТДП вилоят ва туман Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

#### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши томонидан «Оила мустаҳкамлиги ва ёш авлод тарбиясида аёллар ҳамда маҳалланинг ўрни» мавзусида тадбир ташкил қилинди. Тадбирда халқимизнинг «бир болага етти маҳалла ота-она» мақолига амал қилиш, фарзанд тарбиясида маҳалланинг ролини мустаҳкамлаш, улар онгига миллий кадрият, аъна ва урф-одатларимизга ҳурмат ҳиссини сингдириш зарурлиги бот-бот тақдорланди.

— Партияимиз дастурида ёшлар ўртасида ичкиликбозлик, тамаки чекиш ва гиёҳвандликка ружу қўйиш каби ёт иллатларнинг тарқалишига қарши курашиш, болалар жиноятчилиги ва уни келтириб чиқарувчи омиллар ҳамда бошқа салбий ҳолатларга барҳам беришга кўмаклашиш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, - деди ЎзМТДП Урганч шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» етакчиси Дамира Божбонова. — Шу боис қачон, қай мавзуда тадбир уюштирмайлик, албатта, ёшлар тарбияси хусусида сўз боради. Ташкил этилаётган спорт мусобақалари ва турли танловлар ҳам ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва етуқ инсонлар бўлиб вояга етишларига кўмаклашишга қаратилган.

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● **ТАҲЛИЛ**

## АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ

### АҲАМИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

*Бугунги кунда жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масалалардан бири бу — жамиятимиз ҳаётида сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллиги таъминлашнинг тўла татбиқ этиши, одамларнинг ўз фикрини эркин баён қилишга имкон яратиши, бу масалада ривожланган демократик давлатлар эришган даража ва андозаларга етиб бориш ҳисобланади.*

Ушбу серқирра жараёнлар самарадорлигини ошириш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳамда аҳолининг амалга оширилётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишига кўмаклашишда оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонунчилик соҳасида ва амалий ҳаётимизда, оммавий ахборот воситалари ва матбаачиликнинг эркин фаолияти учун зарур кафолат ва шароит барпо этиш, журналист кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу соҳадаги давлат сиёсати Ўзбе-

фати анча ошди. Кўплаб давлат ва нодавлат телерадиостудиялар замонавий медиа-технологиялар ва рақамли асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда, ўз кўрсатув ҳамда эшиттиришларининг техник сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга эришди.

Ахборотни янада тезкор тарқатиш имконини берадиган интернет журналистикани ривожлантириш учун ҳам кенг имкониятлар яратилганини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда медиа-маконда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг юздан ортиқ веб-сайтлари фаолият кўрсатмоқда. Олий ўқув юрталари дастурига махсус курслар киритилган бўлиб, бу мазкур соҳада меҳнат қилаёт-

соҳасидаги ислохотларнинг давомини белгилаб бердилар.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш борасида сўз юритар экан, давлатимиз раҳбари ахборот эркинлигини таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини таъкидладилар. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотини ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида муҳассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартини, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари томонидан бу борада берадиган чора-тадбирлар пухта ўйланган, ниҳоят долзарб ва катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Улар ахборот соҳасидаги барча ижтимоий муносабатларни ўз ичига олган бўлиб, оммавий ахборот воситалари фаолиятида бозор механизмларини такомиллаштириш, ахборотдан эркин ва тенг фойдаланишни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ошқоралик принципини амалга ошириш, жамоат ва парламент назоратини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш учун самарали ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилган.

“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Телерадиозинтиришлар тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш, шунингдек, амалдаги қонун нормаларини такомиллаштириш, шубҳасиз, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ган журналистлар сафини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Бугунги кунда матбуот соҳасида ана шундай микдор ўзгаришлари билан бирга, жиддий сифат ўзгаришлари ҳам юз бермоқда. Газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг мазмун-моҳияти, мавзу доираси замон талабларига мос бўлиб, журналистларнинг дунёқараши, билим ва тажрибаси, касб маҳорати юксалиб бораётди.

Ҳар қандай жамиятда ахборот жамият ривожланишининг ойнаси, аҳоли онгини, дунёқарашини шакллантирувчи асосий восита ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаси мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи

**Бундан ташқари, 2011 йилда замонавий, кенг поласали ва оптик технологияларни жорий қилиш асосида телекоммуникация тармоғини жадал ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш белгиланган. Бунинг ҳисобидан Интернетга киришнинг ўтказувчанлик имкониятлари бир неча марта ошади ва ундан фойдаланувчилар сони янада кўпаяди.**

сиёсатни атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан фикрлар ва қарашлар ранг-баранглиги, жамиятимизни янада эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳолисона ёритишдан иборат.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари зиммасига катта масъулият юкланади. Биринчи навбатда, улар реал ҳаётни, мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришларни ҳолис ва ҳар томонлама акс эттириши, юзага келаётган муаммоларни кўтариб чиқиши, шу тариқа уларни ҳал этишга кўмаклашиши лозим.

XXI асрда ҳамма жабҳаларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ахборотнинг жамият ривожига таъсир кўрсатишининг асосий омилларидан бирига айланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўшма мажлисида қилган мазкур асосий ахборот воситалари янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, шу жумладан, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

(Давоми. Боши 1-бетда)

Муаммоларга келсак, бу ерда эҳтимол, гўё Тожикистон алюминий заводи томонидан дарёнинг куйи оқимида жойлашган худудларга, айниқса, Ўзбекистонга етказилаётган экологик зарар масаласи назарда тутилмоқда. Бу борада Тожикистон томони кўшни давлатни ўзбекистонлик ва халқаро экологлар иштирокида Тожикистон ҳамда кўшни мамлакат худудидидаги атроф-муҳитни биргаликда таҳлил қилиш учун бир неча бор таклиф қилган, аммо Ўзбекистон томони доимо буни рад этиб келган.

Таъкидламоқ лозимки, Ўзбекистон томони, аксинча, ҳар доим алюминий ишлаб чиқариш натижасида атмосферага чиқарилаётган захарли моддаларнинг атроф-муҳитга, аҳоли саломатлиги ҳамда генофондига салбий таъсир кўрсатаётганидан ўз ташвишини билдириб келади. 1994 йилнинг 17 ноябрида Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи фаолияти салбий таъсир кўрсатаётган худудлардаги экологик аҳволни яхшилаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Афсуски, битимда кўзда тутилган қатор тadbирлар айнан Тожикистон томонидан ҳалигача бажарилмай келмоқда.

ЮНЕП вакиллари бошқа халқаро экспертлар билан бирга жойларда бўлиб, экологик вазият ва аниқ фактлар билан шахсан танишиш ҳамда алюминий заводи саноат фаолиятининг оқибатларини ўз кўзи билан кўрди.

Бу борадаги фактлар шундан далolat берадики, корхона атмосферага қарийб 22 минг тонна захарли моддаларни, шу жумладан, одамлар саломатлиги ва атроф-муҳит учун ўта хавфли ҳамда зарарли 120 тонна фторли водород чиқармоқда.

Бу маълумотлар жамоатчиликка яхши маълум. Ушбу фактлар Ўзбекистон, Тожикистон ва бошқа хорижий мамлакатларнинг кўплаб расмий нашрларида (шу жумладан, “ТАЛКО” давлат

унитар корхонаси чиқараётган захарли моддаларнинг Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги айрим туманлар аҳолиси ҳамда атроф-муҳитига трансгегаравий таъсирини) (Тошкент, 2010), «Fogum International» (Италия, 2010, № 23-20) чоп этилган, Тожикистон Республикаси Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ахборотларида (2005 йил 6 октябрь, № 853/1) қайд этилган, шунингдек, REGNUM (12.07.11), Esonew.ru (12.07.11) ва бошқа ахборот агентликларининг веб-сайтларида эълон қилинган.

нинг Профилактика тиббиёти илмий-тадқиқот институти маълумотларида ҳам Турсунзода туманида қариес, пародонтоз ва флюороз касалликларига чалиниш юқори даражада экани қайд этилган. Болаларда флюороз касаллигининг тарқалиш даражаси аҳоли пунктининг заводдан қанчалик узоқдалигига қараб 45 фоизгача етмоқда.

Алюминий олиш жараёнида фторли водороддан ташқари, катта миқдорда захарли газлар - олтингугурт диоксиди ва карбонат ангидрид ва газлар одамда йи-

ва исботлар керак?! “ТАЛКО” вакиллари яна бир далил - қатор босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Тожикистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 50 фоиздан ортиги мазкур компанияга етказиб берилаётгани, ҳатто киш мавсумида мамлакатдаги шифохоналар, мактаблар ва болалар боғчалари электр токидан узиб қўйилса-да, айнан “ТАЛКО” электр энергиясини узлуксиз равишда олаётгани ҳақида эълон қилинган далил-исботлардан ҳам яхши хабардор бўлишлари керак. Сиёсий сафсатабозлик

## ФАКТЛАРГА ТАЯНИБ ИШ КЎРГАН АФЗАЛ

Атмосферага чиқарилаётган азосий захарли моддаларнинг асосий қисми шамол таъсирини 18-19 соат ичида Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги 600 мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган Сарийосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Кумкўрғон туманлари худудига тарқалади.

Эколог олимлар ва мутахассислар томонидан ушбу худуд атроф-муҳитида фторидларнинг тўпланиши туфайли ҳайвонот ва наботот оламининг таназзулга учраши, синтез ва минераллашув жараёнлари мувозанатининг бузилиши, мутациянинг пайдо бўлишига олиб келиши исботланган. Фторли бирикмалар аҳоли ўртасида флюороз касаллигининг тарқалишига, суяк-мушак, нафас олиш ва эндокрин тизимларининг нономрал ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бу худудда чақолқандарнинг туғма нуқсонлар билан дунёга келиши тобора кўпаймоқда.

Корхона таъсир доирасидаги худудда йилдан-йилга турли касалликларнинг, муздадан олдин туғиш ва ҳомила тушиб қолиши, туғма мажруҳлик ва ўлик туғилиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани, айниқса, жиддий ташвиш уйғотади.

Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги-

рингли бронхит, ўпканинг сурункали шомоллаши, бош айланиши, мигрень, бош оғриғи, қон босими ошиши каби хасталикларга олиб келади. Ушбу захарли чикиндилар бўлажак оналарнинг репродуктив функцияларига, айниқса, хавфли таъсир кўрсатади.

Бирламчи алюминий ишлаб чиқариш ҳажимини режалаштирилаётган 517 минг тоннага етказиш оқибатида атмосферага чиқарилаётган захарли моддалар миқдори ҳам йилига 35-40 фоиз ошиши, бу эса минтақадаги экологик вазиятни янада ёмонлаштиришини “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонаси раҳбарлари наҳотки билмасми?

Бундан ташқари, ушбу минтақанинг атмосферада ифлослантирувчи моддалар тўпланишига сабаб бўлаётган табиий шароити ҳам вазиятни оғирлаштирмоқда. Айниқса, ёз мавсумида фторли водороднинг бир марта максимал даражада тўпланиши рухсат этилган концентрация миқдоридан 1,5-4,5 бараваргача ошади. Ернинг устки қисмида жойлашган сувларда алюминий бирикмаларининг сувда эрийдиган формалари миқдори 5 баравар ошиши аниқланган. Ҳўш, бу борада яна қандай далил

билан ниқобланган ҳолда, жамоатчиликдан, энг аввало, ўз халқидан рад этиб бўлмайдиган бундай далилларни яширишга уриниш, беозор қилиб айтганда, иккиюзламачиликдан бошқа нарса эмас.


Ўзбекистон экологлари кўп йиллардан буён Сурхондарё вилояти худудининг Тожикистон алюминий заводи томонидан ифлослантирилаётгани ҳақидаги муаммонини ҳал этиш бўйича шошилинч чоралар кўриш зарурлиги тўғрисидаги масалани ўртага ташлаб келмоқда. Ўзбекистон Экологик ҳаракати Сурхондарё вилояти жамоатчилиги билан биргаликда “Тожикистон алюминий компанияси” давлат унитар корхонасидан худуд атроф-муҳити ва аҳолиси саломатлигига кўп йиллардан буён етказиб келинаётган зарарни қоплаш тўғрисида халқаро судларга даъво аризаларини тайёрламоқда. Эеро, халқаро конвенцияларга мувофиқ, ушбу корхона ҳам Ўзбекистон, ҳам Тожикистон аҳолисига етказилган зарарни қоплашга мажбурдир.

**Саидрасул САНГИНОВ,**  
Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий кенгаши ижроия қўмитаси аъзоси, профессор

● **ТАДБИР**

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ РИВОЖИДА ПАРЛАМЕНТНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва куйи палата Матбуот хизмати ҳамкорлигида Мамлакатимиз истиқлолининг 20 йиллиги — истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтларининг ривожига парламентнинг ўрни ва аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.*



Йиғилиш аввалида Қўмита фаолиятига оид видеоролик намойиш этилди. Шундан сўнг “Қўмитанинг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг ўтган даври фаолиятига оид таҳлилий материаллари” тўплами тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуманда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси А.Саидов қўмита фаолияти ҳақида батафсил сўз юритиб, амалга оширилган ишлар ва галдаги вазифалар юзасидан ахборот берди.

Таъкидланганидек, демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш қўмитаси амалдаги қонунларда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва меха-

низларни марказда ва жойларда тўлиқ амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўриш, соҳага тааллуқли қонунлар ижроси юзасидан тегишли муассасалар ҳисоботини доимий эшитиб боришни йўлга қўйиш, парламент назорати фаолиятида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ОАВ ҳамда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, бу борадаги тизимли ишларни янада такомиллаштиришни муҳим деб ҳисоблайди.

Қўмита аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси то-

монидан режага мувофиқ ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда фаол иштирок этади. Жойларда ўтказилган тадбирлар доирасида аҳоли ўртасида қонунларнинг мазмун-моҳияти кенг тарғиб-қилинмоқда.

ОАВ вакиллари Қонунчилик палатасида БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ва Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси шафелигида фаолият юритаётган Бола

ҳуқуқлари бўйича Ресурс маркази фаолияти тўғрисида ҳам маълумотлар олдилар. Журналистлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуринда тузилган Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси фаолиятига оид ахборот билан таништирилди.

Матбуот анжумани қизгин мулоқот руҳида ўтди.

Ўз мухбиримиз

# МАЪНАВИЯТ

(Давоми.  
Боши 1-бетда)

## ● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



## БАХТИ УЙҒОНГАН ХАЛҚ

### ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ГОЯСИНING РЎЁБИ ХАКИДА

ришлар шиддатини кўрсатмайдими? Ким эдигу, ким бўлди, деган саволга юзлаб муносиб, гурурли жавобларимиз рўйхатида шу маррани ҳам киритса бўлар?

### ФАРОВОНЛИК МАРРАЛАРИ

2010 йил 20 сентябрь. Нью Йорк. Жаҳон ахли Президент Ислон Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқини тинглади. Инсоният

ровларга пул бериб қилдиради. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиради. Ўзбекистонда сўнгги ўн йилда аҳолига кўрсатилган **пуллик хизматлар ҳақими киши бошига қарийб 20 баробар ошди**. Беихтиёр бир афоризмини сал ўзгартириб, "Фаровонлик бор бўлса, у — намоён бўлади. Фаровонлик намоён бўлса, у — бор", дегингиз келади.

### ҲАЙРАТ

Мусулмон оламнинг арбоблари биз учун оддий ҳолатга — ҳар бир ўғил-қизимизнинг таълим олиш имкониятига эгалигидан ҳайратда: "Имсонларлигаси" партияси бош қотиби Саид Мушавхид Хусайн жаноблари шундай фикрда. "Ўзбекистонда", дейди Саид Хусайн "... 100 фоиз ёшлар таълим соҳасида яратилган имкониятлардан тўла баҳраманд бўлаётганига ишонч ҳосил қилдим. Бундай юксак ютуққа минтақанинг ва умуман, дунёнинг ҳар қандай мамлакатига ҳавас қилса арзийди".

Аҳолиси кўп мамлакатда фаровонликка эришиш қийин кечади. Буни синчков хитойликлардан яхшироқ биладиган бўлмаса керак. Хитой Халқаро муаммоларни тадқиқ этиш жамғармаси Алмашинув ва ҳамкорлик маркази директори **ШАО ЧАН ЧУН**: "Марказий Осиёда аҳолиси энг кўп мамлакат бўлган Ўзбекистон Президент Ислон Каримовнинг саяё-ҳаракатлари, адолатли бошқаруви тўғрисидаги маънавий юксакликка эришмоқда", деган жиддий хулосасини эълон қилди.

Бизнинг 20 йил олдинги ва ҳозирги таълимимизни қиёслаган дёнэтилли рус олимлари ҳам ҳолис фикрларини айтишмоқда. Мехнат ва ижтимоий муҳофаза академияси ректори **ЕВГЕНИЙ КОЖОКИН**: "Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти биртомонлама ривожланган, хомашё етиштиришга йўналтирилган, ҳалокатли пахта яққа ҳоқимлиги авжига чиққан, қоқоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган республикадан янги ва улкан марраларни қўлга киритаётган, ҳар томонлама обод бўлиб бораётган мамлакатга айланди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгшлади".

Ҳа. Советлар 74 йилда биз сўнгги 4 йилда ижтимоий соҳада қилган ишларини қила олмаган. Масалан, шаҳар билан қишлоқ тафовутини ҳал қила олишмади. (Аслида бунга иштаримиди?) Собик СССР республикаларида бу муаммо ҳали кун тартибига қўйилган эмас. Газеталарининг "Пойтахтда — XXI аср, 100 км. юрсанг — XVIII аср", деб ёзаётгани одамнинг раҳмини келтиради.

Мустақиллик тўғрисида Ўзбекистон тобора шаҳарлашиб бораётган. Кўларингизга ишонсангиз, қаранг: барча туманларимиздаги коллежлар, гузарлар, ҚВП, янги лойиҳадаги турар-жойларни, оқилона инфраструктура, асфальт, темир йўллари, яратилаётган қулайликларни кўрасиз.

Чекка қишлоқларда замонавий "маркет"лар, интернет хоналари кўпаймоқда. Қишлоқларда тадбиркорлар савдо ва хордиқ масканлари қурмоқдалар. Кечқурунлари катта экранларда миллий эстрада кўшиқларини, спорт мусобақаларини кўриб, болалари билан музқаймоқ еб, салқинлаб, яйраб дам

олаётган ҳамқишлоқларни кўрасиз. Бу янгилик-яхшиликларни кўриб, ҳам хайрон қоласиз, ҳам қувонасиз.

Жаҳон молиявий инқироз ҳали тугамаган, йўғон — ингичка бўлиб, ингичка — узилаетган, энг ривожланган давлатлар ҳам инқироздан инграган пайтларда бу фаровонликнинг ҳақ-қиммати халқимиз юракдан қис қилмоқда. Чунки халқимиз: **Буюк Британия**нинг "Lloyds Banking Group" банки мавжуд иш ўринлари сонини 4500 тага қисқартиришни маълум қилганидан. ("Халқ сўзи" газетаси, 2010.15.10); **Францияда** мамлакат касба уюшмалари томонидан уюштирилган норозилик акцияларида 3 миллионгача киши иштирок этганидан; **АҚШда** сўнгги тўрт йилда 300 дан кўпроқ молия ташкилотлари банкротга учраганидан ("Samarqand" газетаси, 2011.07.01); Мобил алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи "Nokia" компанияси 1800 нафар ходимини ишдан озод қилишга жазм қилганидан (Халқ сўзи, 2010.23.10.) хабардор.

### ФАРОВОНЛИК: КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

Бухоролик темирчи усталарнинг бир мақоли бор: "Боғча урувчиға — бир танга, "мана бу ерга ур", дегувчиға — икки танга", - деган. Демак, фаровонлик азалдан мушакларга эмас, билим ва тафаккурга боғлиқ экан-да? Бу мақол XXI аср — интеллектуал асрда том маънода долзарблик касб этмоқда.

Маҳалла фахрийларидан Омон ака: "Қишлоғимизда телевизор, радио, компьютер тузатилган устaxonа бор. Ишламай ётарди. Бултур қишлоғимиздаги коллежни битирган Жасуржон келиб, ишлатиб юборди. Эшигиде: "Уйингизга бориб, тузатиб берамиз", деб қўл телефонини ҳам ёзиб қўйибди. Неваримнинг компютери бузилган эди. Чақиртирдим, келди. Компютерни бир-икки айлантириб, бир жойига тегинди. Ишлаб, кетди, жонивор.

— Болам, барака топ. Бу ёғи қандай бўлади энди. Айт", - дедим.

— У: Амаки, ўн бир минг сўм бўлади, дейди.

— Келганингга ўн минут бўлди. Бир бурашинг ўн бир мингми, - дедим.

— У қулиб, "Амаки, бир бураганимга — минг сўм. Қаврини бурашини билганимга — ўн минг берасиз", - деса бўлди.

— У пулни олиб: "Омон ота. Компютерни анча арзонга тузатдингиз. Туман марказига олиб борсангиз йўлга — вақтингиз, йўлқирага — пулингиз кетарди. Тўғрими? Қўп демадим. Рози бўлинг", дейди.

Индамая қолдим. Гаплари тўғри. 20 мингим ёнимда қолаётганини ўйламаган эканман. Раҳмат болам. Барака топ, розиман, дебман шошиб. Чойга ҳам қарамай шошиб кетди. "Буюртмаларим қўп, хайр, деб", деди.

Ҳа. Бугун турмушини фаровон қилмаган одамга ният, куч-ғайратнинг ўзи камлик қилади. Касбининг янгиликларини, илғор тажрибани, чет тилларини, компьютер технологиялари, Интернет, зарур ахборотни инглиз тилида кидиришни яхши билиши керак. Бугун мобил телефонни ишлатиш учун ҳам, хориқнинг янги технологиялиния-

сини, фермер ҳўжалигини, Nestle идишини қадқоқлаш, МЧЖни бошқариш учун ҳам билим керак. Ана шундагина киши ўз бизнесини оқилона ва самарали юрита олади. Ўзини ҳам, халқини ҳам фаровон қилади. Демак, фаровонлик ҳам билим ва тафаккурда. Тадбиркорликда ҳам **Юксак маънавият — энгилмас куч**.

### ОДАМЛАР ОРАСИДА

Одамлар қилган ишлар — гоъларининг энг яхши таржимонларидир. **Ж.Локк — инглиз педагоги.**

### Танидингизми?

● **Кўкон**. Бахтли одам сўзласа, уни тинглаётганлар ҳам ўзларини бахтли ҳис қилади, дейишади улуғлар. Айниқса, беғараз, пок, самимий ёшлар сўзласа, лабларингиздаги табассумни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Махлиё Норматова — коллеж талабаси: "Амир Темур бобом, "Бизнинг қимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга бок" деб бежиз айтмаган эканлар. Янгидан-янги коллежлар, равон йўллар, театрлар, банклар, болалар ижодиёти уйлари, мусиқа мактаблари эҳ-ҳе-е. Қўқонимизда бундай биноларни санаб-санонига етолмаймиз. Ҳамма-ҳаммасини айтиб, дунёга жар солгим келади".

● **Бухоро**. Гилам корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева: "Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон — жаҳоннинг энг зўр гилам бозорларидан бирига айланди. Ахир гилам бу — тўй, янги уй, янги ховли, офис, юбилей, совға дегани-да! Халқимиз ортиқча пулига гилам олиб қўяди. Буларга сабаб — биздаги фаровонлик. Германияда бир халқро ярмарка бўлди. Жаҳоннинг машҳур гилам ишлаб чиқарувчи корхоналаридан бирининг раҳбари: "Биз ишни ота-боболаримиздан мерос дастоҳлар, бозор иқтисодиёти тажрибаси билан 20 йилда эришган натижага ўзбек гиламчилари 5 йилда эришди. Ёш Ўзбекистон ўз тадбиркорларини қаттиқ қўллаб-қувватлаётган. Бу кетишда яқин беш йилда қўшни давлатлар гилам бозорларини ўзбеклар тўла эгаллаб олишди", деди. Хориқлик тадбиркор билиб айтган

**Андрей Шейн — тадбиркор: Ўзбекистонимизнинг қаерига қараманг, қурилиш. Қаерда янги уй, иморатлар кўп қурилади? Жавобини биласиз: қаерда фаровонлик бўлса. Бунинг биздаги фаровонликни кўролмайдиган айрим сохта телесюжет ясовчилар ва уларнинг буюртмачилари билиб қўйса, яхши бўларди.**

экан. Иқтисодий инқироз даврида жаҳоннинг манаман деган гилам корхоналари ҳам касодга учради. Тўхтади. Ўзбекистонда эса бирорта гилам корхонаси инқирозга учрамади. Аксинча, ривожланди. Масалан, бизнинг корхонамиз: 2010-2011 йилларда айланма маблағимиз 14 млрд. сўмни ташкил этди. 4 млрд. 300 минг сўм соф фойда олди. Ишчиларимиз ойига 350 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача маош олишаётган".

● **Наманган**. Даврон Холмирзаев - баланд бўйли, юзларини офтоб ялаган, катта-катта кўзлари қулиб турадиган забардаст фермер йигити. 2010 йили қилган даромадидан 20 миллионини қишлоғида насос қуришга ажратди. Ҳамқишлоқларимизнинг фаровонлигига деб. У давраларда: "**Дунё ўзбекларининг, Ўзбекистон имкониятларининг ҳали ярмини ҳам кўргани йўқ**", деб гурурланиб юради.

"2010 йил "Ўзжспомарказ"да ярмарка бўлди, дейди у. Менга керакли технология Бао Фен деган хитойлик бизнесменда бор экан. Русча гапласида бошладик. Жаноб Бао Феннинг русчаси шундай ёмон эдики, Пушқин узокдан эшитса, газабидан тириллар, қиндан эшитса ... қайта ўларди. Бўлмади. Охири...: "Do you speak English?" деди. Бао қувониб, "Yes!" деди. Инглиз тилида ҳамма ишларимизни келишиб, шартнома туздик. Шу-шу иккаламиз ўртоққимиз. Интернетда "қўришиб", гаплашиб турамиз. Яқинда бориб ҳам келдик. Замонавий фермер бир-икки чет тилини билиши керак экан. Бу унга ҳам моддий, ҳам маънавий фойда келтиради экан. "Уим кўрдим, фойдасини", - деди у. Нанайда қилган сўхбатимизда.

**Оқдарё**. Кўтирубуюқ қишлоғи. Олдий дехқон, 75 ёшли забардаст Давир ақанинг сердароҳт ховлисидамиз. Атрофда роз, ўрдак, қурқа, ва учта товус хиром қилиб юришибди. Товусларни кўриб хайрон қоласиз. "Нуротанинг Оқчопидаги божамдан олиб келдим", дейди Давир ака. "Нима учун?", деса-сангиз у киши: "Бундай фаровон замонада одам ҳаётини чиройли қилиб яшати керак-да, ука", - дейди.

Худойберди деган тадбиркор укамиз иккита товусга бир миллион бе-

рай, сотинг, деб келди. Сотмадим. Пулни нима қиламан? Жўжа очсин, бераман, деб қўйдим". Ховлида 20 тул арча барқ уриб ўсаётган. "Ҳаво тоза бўлади, кўзга дам беради", - дейди у.

**Тошкент**. Андрей Шейн — тадбиркор: "Ўзбекистонимизнинг қаерига қараманг, қурилиш. Қаерда янги уй, иморатлар кўп қурилади? Жавобини биласиз: қаерда фаровонлик бўлса. Бунинг биздаги фаровонликни кўролмайдиган айрим сохта телесюжет ясовчилар ва уларнинг буюртмачилари билиб қўйса, яхши бўларди.

Биз том ёпишда ишлатиладиган маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Жаҳон молиявий инқирози тўғрисида хориқлик ҳамкасбларимиз маҳсулот микдорини кескин қаматиришга мажбур бўлишди. Биз эса тўхтамадик, аксинча, қучайдик. Мана рақамлар: 2009 йилда — 300 минг кв.м. маҳсулот чиқарган бўлсак, 2010 йилда - 500 минг кв.м. маҳсулот чиқардик. 2011 йилда 700 минг м.кв. бўлади. Бу аниқ.

Маҳсулот сифатини тинмай ошириб, чет эл маҳсулотларини ҳалол рақобат билан маҳаллий бозоримиздан сиқиб чиқардик.

Илгари одамларимизда "импортнинг — зўр, ўзимизники — ёмон", деган қараш бўларди. Ҳозир бунинг тескариси бўлаётган. Халқимизда "истеъмолчи ватанпарварлиги" кучаймоқда".

**Қашқадарё**. Ўзбекистонимизда халқ фаровонлигининг "глобаллашайтгани" одамни хурсанд қилади. Келинг, "Муборак" қоракўлилик-наслчилик ширкат ҳўжалиги раиси Олим Оқмаматовнинг хурсандчилигига сиз ҳам шерик бўлинг: "... Кейинги уч йилда чўпонларимиздан 15 нафар пишиқ гиштдан замонавий уйлар қуришди. 51 нафари янги машина сотиб олди. Чўпонларимизнинг 32 нафар фарзанди институт, университетларда ўқимоқда. Шартнома пуларини тўлаб бераёلمиз".

Ҳа. Қишлоқ, яйловларимизда хизмат кўрсатиш кенгаймоқда. АҚШнинг оқ лимузинлари чўпонларимизга хизмат қилади, деб, Нуробод тумани қишлоқларида ўрмалар юрибди. Пойтахтлик санъаткорларнинг кўпчилигини қишлоқ тўйларида кўришга ўрганиб бораётганимиз. Уларнинг репертуарла-

**Хитой Халқаро муаммоларни тадқиқ этиш жамғармаси Алмашинув ва ҳамкорлик маркази директори ШАО ЧАН ЧУН**: "Марказий Осиёда аҳолиси энг кўп мамлакат бўлган Ўзбекистон Президент Ислон Каримовнинг саяё-ҳаракатлари, адолатли бошқаруви тўғрисидаги маънавий юксакликка эришмоқда", деган жиддий хулосасини эълон қилди.

Шу сабабли бошқа республикалардан ҳам камбағал, яъни қашшоқ эди. "... Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизга яқинининг жами даромади тиркчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг кўйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди... (Ислон Каримов. 1993 йил. Август.)". Ислон Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.

Халқ фаровонлиги учун кураш энг муҳим, бирламчи масала — нондан бошланди, деса бўлар. Чунки совет давридаги нон учун шаҳарлаб, узундан узок навбатда туриш, нонни қарточка билан олиш, чекловлардан халқимиз дил зада бўлиб қолган эди. Шу сабабли фаровонликнинг биринчи шартларидан бири сифатида галла мустақиллигига эришиш керак эди. Бу эса тез, самарали ва қатъий чоралар кўришни талаб қиларди.

Бу ҳақда Президентимиз 1995 йилда шундай дедилар: "... Авваламбор, "пахта, пахта" девяриб, галла етиштиришдан бутунлай чиқиб кетдик. Унинг технологиясини ҳам унутиб қўйдик. ... Қисқа қилиб айтганда, галлачилик бизда ўғай соҳа бўлиб қолган.

Яна тақоррлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан галла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтимиз, пахтамиз эвазига четдан галла олиб келамиз. Токи, галла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча".

Аниқ ҳисоб-китоблар, тинимсиз саяё-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Мустақил, ёш Ўзбекистон давлати ўз халқини очарчиликдан асраб қолди. Бир неча кунлик галласи қолган давлат теъда ўзини ўнглаб олди. Галла мустақиллигига эришди. Бугун у галлани — экспорт қилмоқда. Бу ҳам халқимиз фаровонлигидеги ўзга-

орзу қилаётган фаровонлик марраларига Ўзбекистон қанчалик яқинлигини билди.

БМТ тавсияларига кўра фаровонлик бу — "Инсоннинг тараққиёт индекси". Унга меҳнат шароитлари, билим олиш имкониятлари, саводхонлик, селоматлик, жон бошига даромад, умр узоклиги ҳам кирди. Ижтимоий ҳимоя, ичимлик сув, табиий газ таъминоти ҳам муҳим. Келинг, ўзимизга ана шу умуминсоний, қайсар индекслар орқали қарайлик:

— Фаровонлик чўнтакка — иш ҳақига боғлиқ: **Ўзбекистонликларнинг иш ҳақи 19 йилда ўртача 14 баравар ошди**.

— Фаровонлик халқнинг ижтимоий ҳимоясига боғлиқ: **Ўзбекистон ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизини ижтимоий соҳага йўналтирмоқда**.

— Фаровонлик ҳар биримиз ичаётган тоза ичимлик суви таъминотидаги боғлиқ. Дунёнинг кўп давлатлари бу борада биз эришган марраларни орзу қилаётган. Чунки **Ўзбекистонликларнинг 82,5 фоизда бу муаммо йўқ**.

— Дунёда аҳолисининг табиий газ билан таъминланган қисми 50 фоизга ҳам етмайдиган давлатлар кўп. **Ўзбекистон халқининг 83,5 фоизи бу неъматдан баҳраманд**.

— Фаровонлик оналар ва болалар саломатлиги, ҳаёти ҳимоя қилинган жойда бўлади. **Ўзбекистонда оналар ўлими 2 баравардан кўпроқча, болалар ўлими эса 3 бараварга камайди**.

— Бир киши умринингизни 6 йилга узайтирса, уни нима деб дуо қилардингиз? Утган 20 йилда **Ўзбекистонликларнинг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга узайди**. **Аёллар - мунис оналаримизнинг умри 75 ёшдан ошди. Оналари ҳаёт юртдошларимизга ҳавасимиз келади**.

— Хотин-қизлар эркаклар билан тенг, эмин-эркин меҳнат қилса, оналар фаровонлиги икки хисса ошади. **Ўзбекистонда иш билан банд аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади**.

— Қаерда фаровонлик бўлса, одамлар илгари ўзлари қилган ишларни би-

ри ҳам буни тасдиқлайди. Булар қишлоқларимиздаги фаровонликнинг биз кўникиб қолаётган манзаралари. Ё шундай эмасми?!

● **Сирдарё**. Врач: "Утган йили ривожланган давлатлардан бирига тажриба алмашишга борган эдик. Қарасан, қўл-оёғи бинг билан ўралган бир бемор касалхонага кириверишда, скамейкада йиғлаб ётибди. Раҳим кели, ёнимдаги врачдан? "Беморга ёрдам бермайсизми?", деб сўрадим. Врач: "Унинг пули тугаган. Келтирса, қайтиб қиради", дейди. Ишонасизми, хайрон бўлиб, қотиб қолдим. Мухтож, ноҳор беморларга биздаги инсонларварлиқни, ғамхўрликни эслаб, кўзларимга ёш келди".

Халқ фаровонлиги гоъсининг рўёби мана бу шукроналик дуоларида ҳам ақс этмоқда: Тошкентлик 105 ёшли Ғайнижамол Султонова: "Қўрмаганимни кўрдим. Худога шукур" (2009.02.09. "Ахборот").

Тошкент шаҳри тантаналарига келган Каримжон ота Йўлдошев: "Тошкент шаҳрини кўриб, макташга сўзим қолмади" (2009.02.09. "Ахборот").

"Аслида, ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгилиниш жараёналари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади", дейилган "Юксак маънавият — энгилмас куч" китобида.

Юқоридеги севиқчи сўзлар турли касб, миллат, ёшдаги юртдошларимиз онгидеги ўзгаришларнинг, дахлдорликнинг, шукроналикнинг, хулосаларнинг акс садоси эмасми? Шундай бўлса, фаровонлигимизни кўролмайдиган, ютуқларимизни қоралашга уринаётган кимсаларга баралла, халқчил қилиб айтмай: "**Бизнинг бахтимиз уйғонди!!! Овора бўлманг. Энди бизни тўхта олмайсиз!**"

**Мухаммаджон ҚУРОНОВ,**  
педагогика фанлари доктори

## ЖАРАЁН

## ● ХИМОЯ

## МАЖБУРИЙ СУГУРТА

## ИШ БЕРУВЧИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ ОШИРМОҚДА

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сугурта бозори фаолиятини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда сугурта бозори барча иқтисодий муносабатларни қамраб олган ҳолда жадал сурбатларда ривожланиб бормоқда. Жумладан, халқаро андозаларга мос сугурта тизимини шакллантириш ҳамда сугурта хизматини кенгайтириш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.**

Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 16 апрелда қабул қилинган "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида"ги Қонуни бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда юртимизда 30 тадан зиёд сугурта компаниялари фаолият кўрсатиб келади. Уларнинг 10 дан ортиги сугурта турларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга.

Ўқоридаги қонун ишчи-хизматчига хизмат вазифини бажариш жараёнида ҳаёти ва са-

ломатлиги етказилган зарарни қоплаш, иш берувчининг меҳнат шароитини яхшилаш асосида иқтисодий манфаатдорлик ҳамда меҳнат хавфсизлигини ошириш, иш жараёнида жароҳат олиш ва касбий касалланиш ҳолатларини камайтириш, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиш муносабатларини мувофиқлаштирувчи асосий воситадир. Шунингдек, бу имкониятдан фойдаланган ҳар бир фуқаро унинг кафолатларидан баҳраманд бўлади. Бу борада қонун ижросини таъминлаш мақсадида Навоий вилоятида

мажбурий сугурта қилиш тадбирларига жиддий эътибор қаратиляпти. Хусусан, вилоятдаги 8 мингга яқин йирик саноат корхоналари, ташкилот, муассаса, кичик бизнес корхоналарида бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда мавжуд қонунларимиз ижроси юзасидан тушунтириш ишлари, ўқув семинарлари олиб борилаяпти. «Навоийазот», «Кизилқумцемент», Навоий иссиқлик электрстанцияси, Навоий электртармоқлари каби корхона ва ташкилот ишчилари ҳаёти ва саломатлиги сугурталangan.

— Ўтган давр мобайнида 17 та корхонада бахтсиз ҳодиса рўй бериши натижасида 14 нафар ишчи ногирон бўлиб қолди, — дейди вилоят давлат меҳнат техник инспекцияси бош инспектори Фахриддин Болиев. — Шунингдек, Навоий шаҳридаги Давлат архитектура қурилиш нazorати инспекцияси, Кизилтепа туманидаги «Файзли йўл сервис» МЧЖ корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва

техника хавфсизлиги белгиланган қоида ва талабларга жавоб бермагани боис кўнгилсиз ҳодисалар рўй берган.

Ўтказилган тадбирларда Кармана туманидаги Куйи Зарафшон насос станциялари энергетик бошқармаси, Навоий шаҳридаги Давлат архитектура қурилиш нazorати инспекцияси, Олтинсой ширкат ҳўжалигида ишловчилар иш берувчи томонидан мажбурий сугурта амалга оширилмагани аниқланиши натижасида раҳбар ходимларга нисбатан меъёрий ҳужжатга асосан жазима қўлланилди.

Хулоса қилиб айтганда, мажбурий сугуртанинг асосий аҳамияти шундан иборатки, иш берувчи билан ходимлар ўртасида тузиладиган сугурта шартномаси асосида иш жараёнида шикастланган, вафот этган, касб касаллигига чалинган ишчи ходимлар корхона, ташкилот томонидан сугурта товон пулини олиши учун кафолатга эга бўладилар.

Асосийси, ҳар биримиз ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида ишлайётган ишчи-ходимлар техника хавфсизлигига оид қоидаларга риоя қилишимиз шарт. Ана шундагина бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинади.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири



## ЎЗГИ ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

**Самарқанд вилоятининг сўлим Миронқул тоғ этақларида жойлашган "Учқун" номли соғломлаштириш оромгоҳи болажонлар билан бажвум. Мазкур соғломлаштириш масканида мавсумнинг дастлабки босқичида Самарқанд тумани халқ таълими бўлимига қарашли мактабларнинг 100 нафар ўғил-қизлари мароқли дам олишди. Мавсумнинг иккинчи даврида ҳам 100 нафардан ошиқ болажонлар мароқли ҳордиқ чиқаришмоқда.**

— Мавсум олдидан таъмирлаш, ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратилди, — дейди оромгоҳ директори Адаш Жалолов. — Туман мактаблари кўмағида таъмирлаш ишлари бажарилди, 7 минг туп мева ва манзарали дарахт кўчатлари, 200 дона турли шакли арча дарахтлари экилди, 100 дона қаттиқ ва юмшоқ мебель жиҳозлари, 3 дона янги телевизор келтирилди, чойшаблар янгиланди, 18 дона халқ эртақлари асосидаги миллийлигимизни улуғловчи ҳайкалчалар ўрнатилди. Оромгоҳда болаларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаб, ҳордиқ чиқариши учун

барча шароитлар яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, гимнастика, стол тенниси тўғрақлари, ахборот-ресурс маркази ташкил этилган. Сузиш ҳавасасида турли кўнгилочар мусобақалар ўтказилмоқда. Оромгоҳда болаларнинг истеъдоди ва қобилиятини юзага чиқариш, уларнинг табиат ва гўзалликка ошно этиш мақсадида турли сайру саёхатлар ташкил этилмоқда. Ҳар кун эрта тонгдан болалар гуруҳларга бўлиниб, турли мусобақаларда иштирок этишатилади. Оромгоҳда ташкил этиляётган тўғрақларнинг фойдали жиҳати шундаки, табиат бағрида, ўқитувчи ва ўқувчи ораси-

даги дўстона муносабатларга асосланган дарслар болада катта таассурот қолдиради. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг доимий мулоқоти улар орасидаги меҳр, ишонч каби туйғуларнинг мустаҳкамлашига сабаб бўлади. Мусобақалар эса болаларни биргаликда ҳаракат қилиш, ўз имкониятларини тўла намоён этишга хизмат қилади. Оромгоҳда "Моҳир кўллар", "Тарона", "Ёш рассом", "Истеъдод", "Маънавиятимизни қадрлаймиз", "Спорт мактаби" сингари ўнлаб тўғрақлар ташкил этилган. Қувонарлиси, турли таниқли ёзувчи ва шоирлар болажонлар хузурига келиб улар билан учрашувлар ўтказишмоқда. Бу тадбирларни ўтказишда туман маданият ва спорт ишлари бўлими, "Қамолот" ЁИХ, туман маънавият бўлими яқиндан кўмак бермоқда. Оромгоҳда шоира Маҳбуба Турсунова билан бўлган учрашув, ёш рассом Жумабой Абдурауповнинг асарлари кўргазмаси болажонларда катта таассурот қолдиради.

**Ориф ХОЛИКУЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

**Мустақиллик йилларида миллий урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимиз, хусусан, миллий ўйинларимизга бўлган эътибор янада кучайди. "Чиллак", "Оқ теракми, кўк терак", "Бештош", "Кураш", "От устида кураш", "Елка кураши", "Арқон тортиш", "Бўрон", "Чавандоз", "Қулашмачоқ", "Беркипмачоқ", "Туп тепиш", "Ошиқ" каби миллий ўйинлар қайта тикланди ва оммалашди. Бироқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ушбу ўйинлар аввалгидек фақат кўча-кўйда эмас, балки катта майдонларда мусобақа ва беллашувлар тарзида ўйналмоқда.**

Ёш авлоднинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида миллий ўйинларимиз қандай аҳамиятга эга? Замондош мутахассисларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

## Тамара ПАРДАЕВА, шифокор:

— Ўйин кишидан ҳаракат талаб этади. Ҳаракат қилиш натижасида эса танада қон айланиши яхшиланади. Организмда моддалар алмашинуви ва юрак фаолияти барқарорлашади. Тана чиниқади. Югуриш, эгилиш, ўтириб-туриш мушакларни ҳаракатга келтиради. Натижада, одам ўзини енгил ва тетик ҳис эта бошлайди. Кам ҳаракатлилик эса аксинча кишини ҳолсизлантиради. Организм тез чарчайди, дармонсизлик, уйқусизлик, иштаҳанинг йўқолиши иммунитетнинг заифлашуви кузатилади. Оқибатда турли касалликларга қарши курашишда организмнинг кучи етмайди. Ўзбек халқ ўйинлари-



## ● СОҒЛОМ АВЛОД

## МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР

## БОЛАЛАР УЧУН КОНИ ФОЙДА



нинг биз билган, бироқ амал қилмайдиган жиҳати ҳам ана шунда. Шу боис, ҳаракатга бой миллий ўйинларни ўйнаш ва милтазм бадантарбия билан шуғулланиш каттаю кичикка бирдек фойдали.

Ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган миллий ўйинларимиз асрлар оша "яшаб" келмоқда. Улар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Масалан, "Оқ теракми, кўк терак" болалар ўйини қадим замонлардан бери ўйнаб келинади. Ёки "Арқон тортиш" ўйинини олайлик. Икки жамоа арқонни ўзи томон тортади. Ким биринчи бўлиб арқонни белгиланган чизикдан олиб ўтса, уша гуруҳ голиб бўлади. Бир қарашда оддий ўйин, бироқ кишини бирдамликка ва жамоавийликка ўргатади.

## Шарофат САЙДАЛИЕВА, тарбиячи:

— Болаларнинг миллий ўйинларимизга иштиёқи баланд. Шу сабабли ҳам машғулотларда тез-тез боғча ёшидаги болаларга мўлжалланган ўйинларни ўтказиб турамыз. Хусусан, "Оқ теракми, кўк терак", "Арқон тортиш", "Фозлар", "Халқага

отиш", "Копток", "Қуёнча" каби бир қатор ўйинларимизни мароқ билан ўйнашади. Бу ўйинлар болажонларни нафақат жисмонан, балки руҳий ва ақлий жиҳатдан ривожлантиради. Ўйин жараёнида болалар фикрлайди, ўйлайди ва бевосита уларда ўйин ҳақидаги илк тасаввур пайдо бўлади. Шунингдек, бу ўйинлар фарзандларимизни чақонликка, абжирликка, зийраклик ва ҳалолликка ўргатиб боради.

Дарҳақиқат, миллий ўйинларимиз ёш авлодга ақли, жисмонан соғ ва ахлоқан пок қилиб тарбиялайди. Масалан, "Чиллак", "Беркипмачоқ", "Бештош", "Туп тепиш" каби ўйинларимиз кишидан эпчиллик ва эҳр талаб этади. "Ошиқ" ҳам ана шундай ўйинлар сирасига кирди. Ўйинчи диққатини жамлайди. Нишонга бехато отишга, мувозанатни сақлашга ўргатади. "Кўз бойлоғич" боланинг эшитиш ва сезиш аъзоларининг ривожланиши, атроф-муҳитга мослашишига ёрдам беради. "Туп тепиш" чақонликни, рақибни зийраклик билан чақитиб илдам қадам ташлашни талаб қилади. Ўйин мобайнида бола фикрлайди. Вазиятни ўзича таҳлил қилади.

## Дилфуза САЙДОВА, Тошкент шаҳар 106-сонли заиф эшитувчи болалар мактаб-интернат ўқитувчиси:

— Миллий ўйинларимиз бўлган "Кўпқари", "Кураш", "Чиллак", "Арқон тортиш" асосан қишлоқ жойларда ўйналади. Бу ўйинлар инсон саломатлигига жуда фойдали. Масалан, "Бештош" ўйини қўл моторикасини ривожлантириб, фикрни бир жойга жамлашни ўргатади. Иккинчи томондан инсоннинг руҳий оламини бойлатади. Бола психологияси ўта нозик бўлади. Эътибор берган

бўлсангиз, бола ўйин жараёнида тенгдошлари орасида ўзини бошқаришга, чиройли ва тушунарли гапиришга, улар билан хушмуомала бўлишга интилади. Ўз жамоасидаги дўстларида ёрдам беришга, қийин вазиятларда уларни ҳимоя қилишга уринади. Бевосита уларда инсоний фазилатлар шакллана боради. Шунингдек, рақибни кенгайтириш, ўйинлар болани нафақат жисмонан, балки ақлан ва руҳан тарбиялайди.

Миллий ўйинларимиз ҳақида халқ достонларида ҳам гап боради. "Алпомиш" достонини ўқиган бўлсангиз, Ойбарчининг қирқ нафар қанизақ қизлари бўлганини, улар даштларга чиқиб турли хил ўйинлар ўйнашганини билсангиз керак. Достонда "Инак узди", "Оқ суяк", "Дашимбойик", "Оқ теракми, кўк терак" каби бир қатор миллий ўйинларимизнинг номи учрайди. "Оқ суяк" отиш ўйинида қизлар икки гуруҳга бўлиниб, икки чети тумор қилиб бойланган суякни ой ёруғида топиб, маррага келтиришган. Голиб томон эътиборини қўйиб, икки чети тумор қилиб бойланган суякни ой ёруғида топиб, маррага келтиришган. Голиб томон эътиборини қўйиб, икки чети тумор қилиб бойланган суякни ой ёруғида топиб, маррага келтиришган. Голиб томон эътиборини қўйиб, икки чети тумор қилиб бойланган суякни ой ёруғида топиб, маррага келтиришган.

Дарҳақиқат, асрлар оша "яшаб" келаётган миллий ўйинларимиз, энг аввало, ёшларни соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишига замин яратади. Соғлом инсондан соғлом фикр тузилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек: "Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз ва курашмоғимиз зарур".

**Гулнисо САЙДАЛИЕВА**

## ● БОҚИЙ МЕРОС

## КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

**Халқимиз азал-азалдан ҳазил-мутуйибага ўч. Самимий ва соф кулгунинг қадриса етади. Шунданми, миллий санъат турларидан бири — аския санъати авлоддан авлодга ўтиб, "яшаб"да давом этмоқда. Ҳозиржавоблик ва сўз ўйинига асосланган аския санъатининг тарихи узун. Бу санъат Навоий даврида янада ривож топди ва бизгача етиб келди. Одатда, аскиячилик — эркаклар санъати ҳисобланиб, катта давраларда, тўй-ҳашам, халқ сайллари ва байрамларда аския пайровлари айтилган.**

Нафақат оддий халқ, балки устоз санъаткорлар ҳам қизиқчилик, ҳам аскиячилик қилиб халқнинг кўнглини олган. Айниқса, Юсуфжон қизиқ Шакаржон, Усмон қори, Сулаймон қори, Мамажон махсум, Охун қизиқ, Ижрокўм бува, Обил ака, Одилжон Эшон, ака-ака Шожалиловлар, Жўраҳон Султонов, Расул қори Мамадалиев, Ғанижон Тошматов, Абдуҳалӣ махсум Қозоқов, Ҳасанбой Султонов, Мухиддин Дарвешов каби санъат даргаларининг ижодини аския ишчи-бозлари яхши билишади. Бугунги кунда эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мамадиддиқ Ширяев, сўз усталари Баҳодиржон Шокиров, Абдулла Акбаров, Хотамжон Ҳакимжонов, Жўраҳон Пулатов, Нейматжон Тошматов, Ақромжон Анваров, Мансуржон Охунов каби ижодкорлар устозлар анъаналарини муносиб давомчилари сифатида қадимий миллий санъатимизни ёш авлодга етказиш мақсадида тинмай ижод қилишмоқда. "Гулмисиз, райхонмисиз, жамбилмисиз?", "Халпана-жон, халпана!", "Ухшатдим", "Билганлар сизни у дейди, билмаганлар бу дейди" каби таниш иборалар қўлоғингизга чалиниши биланқў юзингизга табассум югуради. Бу аския эканини биласиз.

Яқиндагина пойтахтимизнинг Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Келинг, бир кулишайлик" мавзусида бўлиб ўтган аския байрами ушбу санъат "яшаб"да давом этаётганини яна бир қарра исботла-

ди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази, "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими, шунингдек, боғ маъмуриятининг ҳамкорлигида ташкил этилган аския байрами унутилмас лаҳзаларга бой бўлди. Мазкур тадбир Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан суратга олинди. Билишимизча, бир нечта камераларда суратга олинган байрам халқимизнинг олтин мероси сифатида ЎзТВ ҳазинасидан жой эгаллар экан.

Байрам байрамдек ўтсин-да. Аския бор жойда чиройли қўшиқларнинг бўлиши табиий. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов ижросидаги "Ватан" қўшиғи томоқда қалбига илиқлик, аскиячиларда эса интиқлик ҳисси орттиргани шубҳасиз. Саҳнага Республика Халқ ижодиёти ва маданият-маънавий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот маркази бош муҳаррири Нуриддин Аминжонов тақлиф этилди. У аския байрами ҳақида тўхталар экан, жумладан шундай деди: — Аския ота-боболаримиздан бизга мерос қолган. Дунёда аскияга ўхшаш санъатнинг ўзи йўқ. Шу боис, аския ўзбек халқининг номоддий мероси, мулки ҳисобланади. Айни пайтда аския халқроқ микёсда тан олиниши, яъни, "Шашмақом", "Катта ашула" каби

ЮНЕСКОнинг номоддий мероси рўйхатида киритилиш арасида да турибди. Ўша кун албатта, халқимиз учун яна бир байрамга айланажак.

Давомли қарсақ ва қийқириқлар тингач аскиячилар томон юрамиз. Мухиддин Дарвешов номидаги "Хангома" халқ театри раҳбари Баҳодиржон Шокиров газетамиз ўқувчиларига театр ҳақида қуйидаги маълумотни берди: — Жамоамизга халқ театри унвони берилганига унчалик кўп вақт бўлганича йўқ. Биз ижодкор дўстларимиз билан биргаликда устозларнинг дурдона асарларини қўлдан келганда аския санъати илҳомландирганга етказиб беришга ҳаракат қилияпмиз. Шунингдек, янги йўналиш ва пайровларни ривожлантириб бораёпмиз. "Халпана-жон, халпана!" ибораси билан бошланувчи янги аския пайровлари шинавандаларга манзур бўлди, деб ўйлайман. "Хангома" театрининг асосий ижодкорларига келсак, жамоа Мансуржон Охунов, Маҳмуджон Исмоилов, Содикжон Ҳасанов, Олимжон Усмонов жуфтлигидан ташкил топган.

Ногоҳимизни яна саҳна томон қаратамиз. Аскиячилар гала-аскияга тайёргарлик кўргунича саҳнага қизиқчилар Зокиржон Урмонов, Худойберди Зиёдов ва Аваз Охун тақлиф этилди. Гарчанд, улар аския қилишмаган бўлсада, аммо ичкакуди хангомалари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Андижон аския мактаби вакиллариинг чиқишлари ҳам тошкентлик мухлисларга хуш ёқди. Айниқса, гала-аския қизигандан қизиди. Икки гуруҳга бўлиниб олган аскиячиларнинг ҳозиржавоблиги, зукко ва топқирлигига тан бермай бўлмасди. Ҳатто, томошабинлар икки бўлиниб, уларни қарсақлар билан қўллаб-қувватлаб туришди. Хуллас, зерикшга вақт бўлмади. Салкам тўрт соат давом этган аския байрами қўшиқ ва рақслар жўрлигида ниҳоятга етди.

**Зафарбек МУХАММАД,**  
"Milliy tiklanish" мухбири

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## ● БИЗНИНГ ШАРҲ

**Шу йилнинг 22 июль кунин Норвегияда юз берган мудҳиш воқеа жаҳон ҳамжамиятини ларзага солди. Дастлаб пойтахт Ослодаги ҳукумат кварталда кучли портлаш юз берди, орадан бир соат ўтиб, Утейо оролидаги Ёшлар лагерда отиш-ма содир этилган. Бу мамлакат тарихида Иккинчи жаҳон урушидан буён кузатишган энг йирик кўпуровчилик ҳаракатидир. Мазкур мудҳиш жиноятга 32 ёшли Норвегия фуқароси Андерс Беринг Брейвик қўл урган. Сўнги маълумотларга қараганда, кўпуровчилик оқибатида ҳалок бўлганлар сони 76 нафарни ташкил қилмоқда.**



Норвегия Европадаги унчалик катта бўлмаган давлат. Аҳолиси салкам 5 миллион. Мамлакат хавфдан холи, очик жамият бўлиб, бу ерда, ҳатто сиёсатчилар кўчадаги одамлар билан тан соқчиларисиз гаплашади, одамлар яқин-яқингача ҳам эшикларини қўлсиз қолдиришарди. Шаҳар кўчаларида полиция ходимлари деярли йўқ. Мамлакат бош вазири Йенс Столтенберг таъбири билан айтганда, Норвегия очик ва хавфсиз жамият. Террорчини айни шу ҳолат бемалол ҳаракат қилишига йўл очган. Қирол Хоралд V ҳам телевидение орқали чиқиш қилиб, мазкур воқеани "миллий фожеа ва Норвегия жамиятига ҳужум" деб атаган.

Кўзатувчиларнинг фикрича, жиноятчи Андерс Брейвик мазкур қабиҳ режасини амалга оширишга узоқ йиллар тайёргарлик кўрган. Дастлаб ҳукумат кварталда портловчи модданинг ҳаракатга келтирилгани, кейинроқ Утейо оролидаги Ишчилар партиясининг ёшлар марказига қилинган ҳужумлар шундан далолат беради. Жиноятчи ҳамманинг нигоҳи пойтахтдаги портлашга қаратилганидан фойдаланиб, Утейо оролида қарийб бир соат давомда қуролсиз, беғуноҳ одамларни ўққа тутган.

Оролда террорчи ҳужумдан омон қолганлардан бири шундай дейди: "У худди полициядек ҳаракат қиларди. У ҳаммамизни бир жойга тўплади, кейин катта сумкадан қуролни олиб, тўсатдан бизни ота бошлади. Ҳамма жон ҳолатда

## ХУРУЖНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

### ЕВРОПАДА ЭНГ ТИНЧ ВА ХАВФДАН ХОЛИ, ДЕЯ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН НОРВЕГИЯДА КўПУРОВЧИЛИКЛАР СОДИР ЭТИЛДИ

қочиб, ўзини сувга урди, кимлардир дарахт ортига, бошқалар ётоққа қараб қочди. Мен одамларга ёрдан беришга ҳаракат қилдим, аммо бунинг иложи йўқ эди. "У олдимизга келиб, бир жойда тўпланиш-шимизни айтди, - дейди гувоҳлардан яна бири, аммо айримлар тарқаб кетишди, буйруққа бўйсунмаганларни ота бошлади. Ҳа, у сафдан чиққанларга қараб ўқ узди. Полициячининг бундай ҳаракатидан барчамиз довдираб қолдик". Уларнинг сўзларига кўра, А.Брейвик бир соат давомда орол худудига "хўжайинлик" қилган.

Ҳозир мазкур кўпуровчилик ҳаракатлари жиддий ўрганилмоқда. Хусусан, нима учун Утейо оролида полиция ходимлари бўлмаган ёки уларнинг оролга қарийб бир соат кечикиб келишганига сабаб нима? Террорчи Брейвик бундай ишни ўзи қилганими ёки жиний шериклари ҳам борми? У ёлғиз ўзи қандай қилиб йирик микдорда портловчи усқунани ясаган? Шу каби саволлар жамоатчилик томонидан муҳокама-ларга сабаб бўлмоқда.

Полиция жиноятчи истиқомат қилган фермани текширган. Маълумотларга кўра, ўрмонли худуддан кўплаб кимёвий моддалар топилган. Полициячилар

мазкур тумандан портловчи бомба тайёрлашда кўлланилиши мумкин бўлган жами 3 тоннага яқин кимёвий моддаларни кўлга киритишган. Қолаверса, Брейвик хуружлардан олдин интернетда ўз қарашлари ифодаланган бир ярим минг саҳифалик манифестини эълон қилган. Брейвик ҳаётидаги воқеалар солномаси акс этган бу китобда муаллиф ҳукрон партия иммигрантларни қўллаб-қувватлаб, Норвегия кадрларини поймол қилган, деб ҳисоблайди.

Осло судида иккита террор ҳужумини амалга оширган Андерс Беринг Брейвик устидан маҳкама мажлиси бўлиб ўтган. Судья Ким Хегер ҳақамлигида ўтган 35 дақиқалик маҳкама якунида Брейвикни дастлабки чора ўлароқ 8 ҳафта ҳибсда сақлаш ҳақида қарор қабул қилинган. Брейвик дастлабки тўрт ҳафтани бир қишмиқ изоляторда ўтказадиган бўлди.

Маҳкамада А.Брейвик террор ҳаракатини содир этганини тан олган, аммо ўзини айбдор, деб билмаслигини айтган. Брейвикнинг сўзларига кўра, у Норвегиянинг амалдаги ҳукуматни оммавий муҳожирилик рухсат бергани учун жазолашни мақсад қилган. Адвокатнинг айтишича, Брейвик ҳар икки воқеа унинг иши эканини тан

олса-да, буни жиноят деб билмапти. "Ҳаракатларим шафқатсиз, бироқ Норвегия жамиятини уйғотиш учун зарур эди", - дейди у. Лондондаги Кингстон университет олими, эксперт Андреа Маммон Европада ўнг қарашдаги, кескин қараларга мойил сиёсий кучлар бор, дейди.

"Бундай мулоҳаза кўна китба учун янгилик эмас. Европа яхлит бўлиши, европалар устун экани, Европа маданияти муҳимроқ экани ҳақида бонг урувчи, қарашлари ўта кескин одамлар мавжуд. Андерс Брейвик ҳам ана шулар қарашлидир. Лекин зўравонликка қўл урадиганлар санокли", - дейди олим.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозир Европада ўнг қанот радикал гуруҳларнинг хавфини чамалаш қийин масала, ҳар бир мамлакатда айни масала билан боғлиқ вазият турлича. Аммо шимолӣ Европа мамлакатларида аксил муҳожирилик кайфиятлари урчиб бораётгани ва шундай кайфиятдаги гуруҳларнинг сайловларда ҳам нисбатан муваффақият қозонаётганини кузатиш мумкин. Баъзи кичик гуруҳлар эса ўта радикал қарашларга эга бўлиб бораётган. Айрим ҳолларда бу гуруҳлар зўравонликни ҳам амалга оширади. Норвегиядаги жиноятчининг ҳаракати

шунга мисолдир. Кузатувчиларнинг фикрича, Андерс Беринг Брейвик Швециянинг ўнг қанот сиёсий ташкилоти ва Британиядаги инглиз мудофаа лигаси каби радикалроқ қарашдаги гуруҳлар билан алоқаси ҳақида айтган. Интернет бу каби алоқалар учун айни мудоаа бўлган. Норвегиядаги қатлиом кетидан Европадаги айрим давлатларда хавфсизлик чоралари оширилиб, экстремист, миллатчи гуруҳлар устидан назорат кучайтирилган. "Терроризмнинг ҳар қандай кўринишининг олдини олиш лозим. Европа Иттифоқи огоҳ туриши керак", - дейди Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмерон Миллий хавфсизлик кенгашида сўзлаган нутқида.

Маҳаллий матбуот хабарларига кўра, "Breivik Geofarm" қишлоқ хўжалик маҳсулотлари фермаси директори бўлиб ишлаган Брейвик ўнчи Христиан экстремист гуруҳига мансуб бўлган ва Ислонм ғояларига қарши бўлган. «Aftenposten» нашрининг ёзишича, полиция Брейвикнинг 1981-1996 йилларда Норвегия Бош вазири бўлган Ишчилар партияси етакчиси Гарлем Брунтландни Европада иммигрантларнинг кўпайишига олиб келувчи сиёсатни бошлаганида айбдор, деб билишини айтган.

Маълумотларга кўра, жиноятчи портловчи моддаларни тайёрлашда ҳеч қандай профессионал тайёргарликдан ўтмаган. Зеро, бу каби йирик бомбани ясаш ҳам осон эмас. Кузатувчиларнинг фикрича, авваллари ҳам ўнг қанот экстремистларни Европа бўйлаб кичик ҳужумлар ўтказгани маълум, аммо Норвегияда бу биринчи бор содир бўлмоқда.

Норвегия Бош вазири Йенс Столтенберг Андерс Брейвикнинг бу қараш ва қилмишларини ташвишли, деб баҳолаган.

— Бошқа давлатлар билан солиштирилганда, Норвегияда айрим ўнчи экстремист гуруҳлар бор. Биз уларни олдиндан кузатмоқдамиз. Шунга қарамай, бу зўравонлик Норвегияни очик жамият бўлиб қолишдан қайтаролмайди. Берилган қурбонлардан қаттиқ қайғудамиз. Аммо, Норвегия ҳозир баҳамжихат ва бизнинг ниятимиз аниқ: бу зўравонликка қарамасдан, Норвегия демократик жамият бўлиб қолади, - деди мамлакат Бош вазири.

**Бехбуд БОТИРОВ,**  
**"Milliy tiklanish"**  
**шарҳловчиси**

## Кўшимча саволлар бор

**Ширкат раҳбари яна парламентга чақирилиши мумкин.**

Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмероннинг журналистларга берган интервьюсида кўра, "News International" матбуот ширкати раҳбари Руперт Мердок шахсий телефонларни яширинча эшитиш ҳоллари юзасидан кўшимча саволларга жавоб бериши учун парламентга яна чақирилиши лозим. Жаноб Мердокнинг жорий ҳафта бошларида парламентда берган жавоблари "New of the World" газетаси собиқ муҳаррири ва химоячилар томонидан савол остига олинган. Эслатиб ўтамиз, Британияда чоп этилган мазкур газета телефонларни яширинча эшитиш можароси ортидан ёпиб қўйилган.



## Навбатдаги сайлов сентябрда

**Латвияда сайловчилар парламентни тарқатишга овоз берган.**

Латвияда ўтказилган референдумда мамлакат аҳолиси парламентни тарқатиш юбориш учун овоз берган. Марказий сайлов комиссияси ҳисобига кўра, овоз берганларнинг 95 фоизи парламентнинг ҳозирги таркибига қарши. Бош вазири Валдис Домбровскиснинг айтишича, парламентга қонун устуворлигини қўллаб-қувватловчи шахслар кириши керак. Парламентни тарқатиш бўйича референдум ташаббуси май ойида собиқ президент Валдис Затлерсдан чиққанди. Янги сайловлар сентябрда бўлиши кутилмоқда.



## Янги кон топилган

**Ҳиндистон жанубида янги йирик уран кони топилган.**

Мамлакат ядро энергетикаси департаменти раиси Шрикумар Банержи журналистларга берган интервьюсида кўра, Андра Прадеш штатида жойлашган Тумалапалли конидаги уран захираси 49 минг тоннани ташкил этади. Айрим маълумотларга қараганда, уран захираси 150 минг тоннагача етиши ҳам мумкин. Тумалапалли конидаги уран моддасини жорий йилнинг охирида қайта ишлашга киришиш кутилмоқда. Маълумотларга кўра, Ҳиндистонда АЭСлар умумий электр энергиясининг 3 фоизга яқинини ишлаб чиқаради. 2050 йилга бориб бу кўрсаткичи 25 фоизгача кўтариш мўлжалланмоқда.



## Вазият мураккаблашмоқда

**Сомалида мисли кўрилмаган қаҳатчилик, касалликлар тарқалмоқда.**

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотига кўра, Сомалининг яна бешта вилояти очарчиликка юз тутмоқда. Қурғоқчилик ва зўравонликлардан азият чекаётган 3.7 миллион одам, яъни Сомали аҳолисининг ярми тезкор инсонпарварлик ёрдамига муҳтож, шунингдек, буғунги кунда 780 минг гўдак ҳаёти хавф остида. Ҳозир 166 мингдан ортиқ сомалиликлар қўшни Кения ва Эфиопияга қочиб ўтган. "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳи билан алоқадор кўрилган "Ал-Шабаб" гуруҳи мамлакатнинг катта қисмини назорат қилади. Бу эса халқроқ ёрдам ташкилотлари фаолиятига жиддий таъсир кўрсатмоқда.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

## ● РАНГИНГ ДУНЁ

### ЁЗИ АБАДИЙ ЎЛКА



Ҳақиқатдан ҳам Бразилияда ёз йил бўйи ҳукмронлик қилади. Фақат мамлакатнинг жанубида об-ҳаво тез-тез ўзгариб туриши мумкин. Баъзан бу ерда ҳаво кескин совиб кетиши натижасида ҳарорат ноль даражасида тушиб кетади. Шимолда эса "ёз-қиш" мавсумида ёнғингарчилик ва қурғоқчилик кузатилади. Бразилияликлар худди япон ва немислар каби жуда меҳнатқаш халқ. Бироқ, вақтида дам олишни билишади. Улар телевизорда сериал ёхуд футбол томоша қилиб ёки бўлмаса дўстлар даврасида чакчақлашиб хордиқ чиқаришади. Албатта, теле-

## ДУНЁ ХАЛҚЛАРИ:

### УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА БАЙРАМЛАР

#### ЎЗИГА ХОС МАДАНИЯТ



Аргентина — қитъадаги энг "европалашган" давлатлардан бири саналади. Бу ерда Буюк Британия, Франция, Испания ва айрим славян давлатларидан келиб қолган халқлар яшайди. Мамлакат ҳиндулари ниҳоятда камчиликини ташкил қилади. Улар асосан Аргентинанинг энг чекка шимолӣ ва жанубий худудларида истиқомат қилишади. Бироқ, кўп миллатли Аргентина қўшни давлатларга умуман ўхшашмайдиган ўзига хос маданиятни шакллантира олди. Аҳолининг асосий қисми испан тилида сўзлашади. Инглиз тилини фақат меҳмонхона ходимларига билиши мумкин. Аргентина-

қисмида яшовчи аҳоли билан деярли мулоқотда бўлишмайди. Шу боис, аксарият қабилалар ов, балиқчилик ва деҳқончилик орқасидан кун кўради. Шунингдек, Перуда яна бир туб аҳоли вакиллари — кечуа ва аймар тилида сўзлашувчи ҳиндулар ҳам яшайди. Ҳозирги кунда ушбу қабила давомчилари мамлакат пойтахти — Лима шаҳрига кўчиб ўтишган. Айримлари эса ҳали-ҳануз Анд тоғи этакларида умргузаронлик қилишмоқда. Перуда креоллар, яъни оқ танли Европа халқлари ҳамда испанлар истиқомат қилади. Маълумки, улар мамлакатда 1970 йилга қадар ҳукмрон бўлишган. Қолаверса, бу ерда метислар, негр ва осиеликлар ҳам яшайди. Умуман олганда, Перуда анъана ва урф-одатларга алоҳида ҳурмат билан қаралади. Масалан, "Инти-Райми" байрами Колумб давриддан аввал ҳам нишонланиб келинаган. Шу-шу 24 июль мамлакатда ёзги қуёш туриши (энг узун кун ва энг қисқа тун) сифатида байрам қилинади. Бундан ташқари, мамлакатда ҳар йили ноябрь ойида Пуно қуни нишонланади. Байрам айнан шу номдаги шаҳарда, Титикака кўли бўйида бўлиб ўтади. Мазкур байрам илк инклардан бири — Манко ва унинг дугониси шарафига ўтказилади. Ҳар йили август ойида Амантани оролида яна бир байрам — Пачамамини нишонлаш одат тусини олган. Лекин, Перунинг асосий

#### ХИНДУЛАР МАКОНИ

Шарқий Перу ўрмонларида юзга яқин ҳинду қабилалари истиқомат қилади. Улар мамлакатнинг бошқа



байрамларидан бири "Мустақиллик" кунини ҳисобланади. Одатда, перуликлар икки кун, 28-29 июлни байрам қилишади. Сабаби, биринчи кунни ҳамма мустақилликни байрам қилса, иккинчи кун миллий армия ва полиция қуни нишонланади. Байрам эрта тондан, миллий байроқ кўтарилиши ва замбараклардан ўқ отиш билан бошланади. Мамлакат президенти Конгрессдан туриб, ўз халқига байрам табригини йўллайди. Байрам муносабати билан катта парад ўтказилади. Энг қизиги, парадда ҳамма иштирок этиши шарт. Шу боис, парадда ҳарбийлардан тортиб, оддий меҳнатқаш инсонларни ҳам учратиш мумкин. Шундан сўнг, байрам кайфияти кўча ва майдонларга қурилган сахналарга кўчади. Сершовқин кўчаларда турли ярмарка, кўрғазма, концерт ва мусобақалар ўтказилади.

**З.МУҲАММАД,**  
**"Milliy tiklanish"**  
**муҳбири**

# КЎЗГҮ

## МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

### БУЮК ВА МУҚАДДАССАН ВАТАНИ

Самарқанд вилояти Пойариқ тумани Ўқлан қишлоғида жойлашган "Камалак" оромгоҳида Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб "Буюк ва муқаддасан Ватан!" шиори остида бадиий тадбир ўтказилди.

Анжуманда "Нихол" мукофоти вилоят босқичи совриндорлари ҳамда туман маданият уйи ҳаваскорлари ижросида ватанни мадҳ этувчи куй ва кўшиқлар ижро этилди. Концертдан сўнг, туман марказий маданият уйига қарашли халқ театри жамоаси "Ур тўқмоқ", "Олтин тарвуз" номли спектакллари оромгоҳда дам олаётган болажонлар учун тақдим этилди.

Худди шундай тадбир Булуғур тумани Мингчинор маҳалласи "Мусурмон ота" базмида ҳам бўлиб ўтди. Туман ғаллакорлари учун "Буюк ва муқаддасан Ватан!" шиори остида "Олдузлар ёғдуси" номли адабий-бадиий учрашув ва концерт дастури намойиш этилди. Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Мардон Мавлонов, хонандалар Равшан Тўхтаев, Шамсиддин Ҳусулов, Бахтиёр Дониёров, Бердиали Худойназаров, Малика Бойназарова ва "Сугдиёна" рақс гуруҳи раққосалари ўз чиқишлари билан йиғилганларни хушнуд этишти.

### МАРФИЛОН ОҚШОМЛАРИ

Марғилон шаҳрида Янги Марғилон шаҳарчасида ёшларнинг бундан вақтларини мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш, улар ўртасида гийҳвандлик, ОИТС, жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, одам савдосига қарши курашиш каби ҳолларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинларида "Марғилон оқшомлари" шиори остида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Озода БУРҲОНОВА

### ХАЙРЛИ АНЪАНА

Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий кўргазмалар дирекциясининг марказий кўргазмалар залида XI-анъанавий ўзбек-корей расмоларининг 260 га яқин экспонатлари кўйилган бадиий кўргазмаси бўлиб ўтди.

Кўргазмада рангтаъбир, графика ва хайкалтарошлик асарларига кенг ўрин берилган. Асарларнинг мавзулари турлича бўлиб, булар — Ўзбекистон-Корея реалистик манзаралари, ширин-шакар мевалар, гуллар натюрморти, ижтимоий ҳаёт, турмуш тарзимизнинг айрим қирралари, йил фасллари, аёллар сиймолари, меъморий ёдгорликлар акс этган. Экспозициядан ўрин олган "Хумсон тераклари", "Товоқсойда куз", "Хумсонлик қиз" каби асарлар ҳам киши диққатини ўзига тортади.

Китоб графикаси бўйича кўргазмага кўйилган қатор асарлар ҳам томошабинларда кизиқиш уйғотди. Кўргазманинг очилиш куни расомлар ва жамоатчилик вакиллари қатнашган давра суҳбати фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Кўргазмада 60 га яқин Ўзбекистон ва Жанубий Корея расмолари ўз ижод намуналари билан қатнашдилар.

Хасан АБДУНАЗАРОВ

Тахтага гул чизилиб, уриб чиқилади. Кейин ўйилади. Шунда тахтадан гўзал гуллар, нақшлар уриб чиқади гўё. Сўнг чакич босилади. Устидан лак суртиб, пардоз берилади. Бир неча ой уйқусиз туналар тонгга уланади. Халқа чўмган уста сабр-тоқат билан ишида давом этади. Ҳар тун шундай, биз орам олаётган вақтимизда унинг устахонасида чироқ милтиллади. Оддийгина жонсиз тахталарга жон бағишлайди у. Яратаётган гўзалликдан ўзи завқланади, алмо кўнглида бир хавотир. Иши муҳлислариға маъқул бўлармикан?

Чет элдан келиши мўлжалланган меҳмонлар унинг ишларини кўрганда, "Ўзбек усталарига қойил" дейишармикан? Устозлари Мухаррам Ибрагимова, Жамшид Фойиловга лойиқ шогирд бўла олармикан? Бу ҳам майлия, Сирождидин Йўлдошходжаев, Миродил Зарипов, Улугбек Эргашев каби ўнлаб шогирдлари олдида уялиб қолмасмикан? Бу Нуриддин Расуловнинг ҳар бир янги асари устида ишлаш жараёнида юз берадиган ҳол.

Санъатнинг қадимий турларидан бири ҳисобланган ёғоч ўймакорлиги бир неча асрдан буён авлоддан авлодга ўтиб келади. Хива, Самарқанд, Бухоро, Қўқонда қад ростилаган меъморий обидаларнинг барчасида ёғоч ўймакор усталарнинг меҳнати яширин. Эндилкида аждодларга муносиб авлод — ёш истеъодлар етишти чикмоқда. Шулардан бири Нуриддин Расулов — 1986 йил Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Камалидин Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтини тугаллаб, шу олий ўқув юрти магистранти бўлиш билан бирга "Бадиий академия" ва "Jpod" уюшмалари аъзоси ҳам бўлди. Бу орада қатор бадиий кўргазмалар, "BAZAR-ART", "Ташаббус"да қатнашди. "Навқирон Ўзбекистон" республика фестивали лауреати бўлди. ART WEEK-2009 замонавий санъат доирасидаги V Халқаро Биеннале кўргазмасида қатнашган, "5+1" гуруҳи иштирокчиси бўлди.

— Мактабда ўқиб юрган кезларим меҳнат дарсини жуда яхши кўрадим, - эслайди Н.Расулов. — Уша вақтда жўва, тахтакач, яна шунга ўхшаш нарсалар ясаб юрардим. Аммо ҳаётимни ўзгартирган воқеа аслида бошқа. 6-синфда ўқиётганимда катта товухона қурганман. Узимдан баланд устунларни олиб, шунчака уйча ясабманки, ҳамма ҳайрон қолган. Буни кўрган ота-онам мени Мухаррам Ибрагимовга олдига олиб боришган. Уларнинг яса-

### АМАЛИЙ САНЪАТ



### ЁҒОЧДА УНГАН ГУЛЛАР

ган ишларини томоша қилиб, бу ҳунарнинг қанчалик гўзал ва нафислигини кўриб маҳлиё бўлганман. Ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганишга ана шундан кейин астойдил киришдим масмикан? Бу Нуриддин Расуловнинг ҳар бир янги асари устида ишлаш жараёнида юз берадиган ҳол.

Мустақиллик йиллари биз қилинган кўргазмадаги иштироки ўзгача бўлганди. Ушанда Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида фаолият юритаётган ёш ижодкорларга кўргазма ўтказиш таклиф қилинди. Ёшлар бундан катта мамнуни билан қабул қилишди. Ҳамма кўлидан келганча янгилик яра-

тишга интилди. Нуриддин Расулов амалий санъатнинг ёғоч ўймакорлигини замонавий санъатда синаб кўришни ўз олдига мақсад қилганди. Сабаби, у кузатувлари натижасида шуни англадики, бу йўналишда ҳали ҳеч ким ишламаган. Асарининг гоёси тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, ёшларни ҳаётда ўз ўрнини топиб, ҳунар эгаллашга қизиқтириши эди.

— Ишимни "Беш кунлик дунё" - "Икки эшик ораси" деб номладим, - дея ҳикоя қилади ижодкор. — Севимли адабиётимиз ў.Хошимов асаридеги "Умримиз битта эшикдан кириб иккинчисидан чиқиб кетишдек гап. Шу икки эшик орасидаги масофа ҳаёт деб аталади" деган сатрларни менга сира тинчлик бермасди. Шундан келиб чиқиб, тенгдошларимга ҳаётнинг инсонга бир марта бериладиган буюк нўмат эканлигини ва ундан тўғри фойдаланиш лозимлигини эслатмоқчи эдим. Ёмон йўлга кирган бўлсалар, орқага қайтиб тўғри йўлни танлашларини ижодим орқали айтмоқчи бўлдим.

Уста "Беш кунлик дунё" асари билан алдов йўлдан юрган инсоннинг ҳаёти беафали, бечали бўлишини ва у охир-оқибат боши берк кўчага кириб қолиши мумкинлигини кўрсатган. Унинг бу намоёиши эксперт ва муҳлисларда катта кизиқиш уйғотганди. Шу ўринда эшитганим бир воқеа ёдимга тушди.

Франциялик санъатшунос "Ўрта Осиёда амалий санъат ривожланмаган", деган фикр билдирибди. Шунда ўзбек усталари ўзлари ясаган лавҳани унинг қўлига тутқазиб, "Қани, шуни очиб кўринг-чи", дейишибди. Ўрта Осиё санъатини ўрганган санъатшунос ҳар қанча уринмасин, бунинг урдасидан қиқолмабди. Охири "Санъатингизга тан бердим, сиздан ўзга халқда бу каби ижод асари йўқ" деган экан.

Н.Расулов ижодида галерея директори Рустам Ташматов томонидан "5+1" гуруҳининг ташкил қилиниши катта имкониятлар эшигини очди. Гуруҳ аъзолари Шерзод Раҷамов, Дийёр Розиков, Нигора Шарафхўжаева, Санжар Жабборовлар Нуриддиннинг галереяда бирга фаолият юритаётган ҳамкасблари. Турли йўналишда ижод қилувчи бу ёшлар катта кўргазмаларда иштирок этишган. Бир йили катта бир кўргазмада галерея ходимлари оқори ўринини эгаллашди. Шунда Р.Ташматов "Биз ўзимизни бир кўрсатайлик. Галереяда қандай истеъодлар борлигини ҳамма кўриб қўйсин. Бир гуруҳ тузамиз", деди. Гуруҳ шу тарзда иш бошлади.

Нуриддин ясаган ишлар жозибакорлиги, пухталиги билан ажралиб туради. У доимо изланишда, кечалари гулчиши, кундузлари тарихий китобларни мугтолаа қилиш билан банд. Шогирдларига ҳам вақт ажратиши, галереяга келган томошабинларга тангалар ҳақида сўзлаб бериши лозим.

— Илгари телевизор орқали расомлар билан бўлган суҳбат тинглаб туриб уларнинг "Менинг илҳом парийим бу" деган фикрларини эшитиб хайрон бўлардим, - дейди Нуриддин. — Аммо бу ҳақиқат экан. Мен ҳам илҳом келганда, ҳаёл суриб, орзу билан ижод қиламан. Гўзал инсонларни, ватанимизнинг гўзал байрамларини томоша қилиб руҳланиб кетаман. Тинч, осойишта юртимизда яшаш, ижод қилиш қанчалар завқли. Катталар ҳунарли хор бўлмас деб беҳиз айтишмаган экан. Шу ҳунарим орқали юртга танилдим, дунё кўрмоқдаман. Амалий санъатнинг нозик тури ҳисобланмиш ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганиб, билганларимни ўргатмоқдаман.

Нуриддин Расулов ҳали ёш, лекин ўз касбини эъозловчи, ардоқловчи ижодкор. Устазодлар шогирди. Шу азиз она диёрда яшовчи ҳар бир ижодкор каби у ҳам юртимизнинг қутлуғ тўйига тўёна тайёрлаш билан банд. У шахсий кўргазмасини ташкил қилиш ҳаракатида. Ҳали кўп ишлаши, изланиши лозим.

— Тенгдошларимга тақдир эшиги орқали покиза гўдак ҳолида дунёга қадам босган эканмиз, сўнггида ҳам пок хислатлар билан чиқиб кетиш ҳаётимиз мазмуни бўлсин, дегим келади, - дейди Нуриддин. — Она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб яшаш ҳаммамизга насиб этсин. Меҳроқибат, ишонч, умид каби олий фазилатлар бизни тарқ этмасин, дейман.

Адиба ФАЙЗ, "Milliy tiklanish" муҳбири



Азамат АХМЕДОВ олган суратлар.

Одам тани жон билан шарафлидир ягона,  
Зебо кийим эмасдир инсонликдан нишона.

Қаноат яхшидир кеча-кундузи,  
Қаноатли зотнинг ёруғ юлдузи.

### БИЛАСИСМИ?

Қумсоат иссиқдан кўра, совуқда яхшироқ юради.

Қадимги Эронда келинлик сепига шахмат қўшиб совға қилиш урф бўлган.

XVII асрда термометрга симоб ўрнига бренди қуйилган.

### ТУРФА ОЛАМ

## БАҲАЙБАТ ДИНОЗАВР

КУТАСИДА (ГРУЗИЯ) НОМАЪЛУМ ДИНОЗАВРНИНГ ТОШҚОТГАН ИЗЛАРИ ТОПИЛГАН.

Манбада келтирилишича, оҳақтошдаги ушбу изнинг узунлиги 34 сантиметр атрофида экан. Бу Грузия худудидан топилган энг йирик динозавр изи ҳисобланади. Топилма гараж қурилиши кетаётган жойдан топилган. Ҳозирда Имерети кўриқхонаси мутахассислари динозаврнинг тошқотган изи топилган хонадон ва унинг атрофини ўрганишмоқда. Спелеологларнинг фикрича, изнинг катталигига қараганда, ушбу динозавр тириклик чоғида ниҳоятда баҳайбат бўлган.



## АНТИҚА ПРИНТЕР

ЭКЗЕТЕР УНИВЕРСИТЕТИ (Б.БРИТАНИЯ)НИНГ БИР ГУРУҲ ОЛИМЛАРИ ЯРАТГАН ПРИНТЕР СИЁҲДА ЭМАС, ШОКОЛАДДА ИШЛАЙДИ.

Одатда, принтерлар тайёр матнни қоғозга чиқариб беради. Бироқ, буниси фақат шоколад чиқариш учун мўлжалланган. Гуруҳ раҳбари Лянь Хаонинг айтишича, ушбу янгилик қандолатчилар томонидан илиқ кўтиб олинган. Сабаби, бундай принтер ошпазларнинг оғирини енгил қилади-да. Масалан, ширинликларга безак бериш анча вақтни олади. Антика принтер бу жараёни анча енгиллаштиради. Ляньнинг гапига қараганда, принтерни ишга туширишдан аввал тасвир ва шакл ўлчамлари аниқ ишлаб чиқиши лозим. Шундан сўнг, принтер сиз истаган шаклда шоколад фигураларни қуя бошлайди. Қуйганда ҳам босқичма-босқич, биринчи қавати қотғач, иккинчисини қуйишга ўтади.



## КИМ ЯХШИРОҚ?

АВТОМОБИЛНИ ЭРКАКЛАР ЯХШИРОҚ ҲАЙДАЙДИ, ДЕГАН ТУШУНЧА НОТЎҒРИ БЎЛИБ ЧИКДИ.

Тадқиқотчиларнинг ҳулосасига кўра, эркак ҳайдовчилар аёлларга нисбатан кўпроқ авария ҳолатига дуч келишади. Янаям аниқроғи, 25 ёшгача бўлган эркак ҳайдовчилар йўл қоғдаларини кўпол равишда бузишади. Алаоқибат, уларнинг аксарияти оғир аҳволда касалхонага тушиб қолади. Ундан кейинги автомобилни таъмирлаш учун кетадиган харажатлар ҳақида-ку гапиришнинг ҳолати йўқ. Бундай ҳулосага яқинда америкалик тадқиқотчилар ҳам келишди. Уларнинг берган маълумотиға қараганда, 2009 йили АҚШда 23 минг 726 нафар эркак ва 10 минг 70 нафар аёл ҳайдовчи авария натижасида ҳалок бўлган. Шунинг билан олган тадқиқотчилар эркаклар аёлларга қараганда яхшироқ машина ҳайдайди, деган фикр янглиш эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилишган.

## РЕКОРД ЯНГИЛАНДИ

ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН ХОТ-ДОГ ПАРАГВАЙ ОШПАЗЛАРИ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНДИ.

Узунлиги 203,8 метрни ташкил этувчи хот-дог Ехро-2011 халқаро қишлоқ хўжалиги кўргазмасида омма эътиборига ҳавола этилган. Уни тайёрлашда 245 нафар ошпаз қатнашган. Ҳисоб китобларга кўра, ушбу хот-догнинг оғирлиги 270 килограмм бўлиб, шундан 120 килограмми сосиска, 145 килограмми нон ҳиссасига тўғри келган. Парагвай хот-доги Гиннеснинг рекордлар китобида қайд этилган, улкан хот-дог икки минг порцияга бўлиниб, томошабинларга тарқатилган. Эслатиб ўтаемиз, аввалги рекорд испанияликларга тегишли бўлиб, уларнинг хот-доги 150 метрни ташкил этган эди.



3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади